2020 йил 25 январдан чиқа бошлаган

Миллий тикланишдан - миллий юксалиш сари

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 12 (534), 2022 йил 19 январь, чоршанба

www.yuz.uz | yuz.uznews | yuz_official | yuz.uz_news

МУНОСАБАТ

## ПРЕЗИДЕНТ МАКТАБЛАРИ

### УНДАГИ МУҲИТ, МЕТОДИКА БОШҚА МАКТАБЛАРГА ҲАМ ОЛИБ КИРИЛАДИ



**Мамлакат тараққиёти кўп жиҳатдан истеъдодли болаларни саралаш, уларга тўғри йўналиш бериш, қобилиятини ривожлантириш, интеллектуал салоҳиятини намоён этишга кўмак бера оладиган таълим тизимини яратишга боғлиқ.**



Президентимиз 2018 йили Қорақалпоғистон Республикасига ташрифи чоғида “Мамлакатимизни янги тараққиёт босқичига кўтаришни ўз олдимизга устувор вазифа қилиб қўйган эканмиз, буни амалга ошириш учун бизга, энг аввало, янги авлод кадрлари керак”, деган эди. Ана шундай эзгу ният ва мақсадлар натижаси сифатида давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактаблар ташкил этилди. Бу мактабларни соҳа мутахассислари ва экспертлар мамлакат таълим тизими локомотиви деб баҳоламоқда.

Куни кеча Президентимиз раислигида мактабларда таълим-тарбия сифатини ошириш, ихтисослаштирилган мактаблар фаолиятини такомиллаштириш масалалари бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишида ихтисослаштирилган мактаблар қамровини кенгайтириш, таълим сифатини ошириш масалалари жиддий муҳокама қилинди.

Шунингдек, ихтисослаштирилган мактабларда ўқувчиларнинг қабул қилиниши, мазкур жараённи тубдан такомиллаштириш, халқаро стандартлар талабига жавоб берадиган ўқув-методик адабиётларни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш, амалиётга йўналтирилган таълим жараёнини ташкил этиш, ўқитувчилар малакасини халқаро стандартлар асосида ошириш, халқаро сертификатлаш тизими, ўқитувчиларни ишга қабул қилишда саралаш жараёнини танлов асосида ўтказиш масалаларига алоҳида тўхталиб ўтилди.

Давоми 2-бетда

ИНСОН ҚАДРИ УЧУН

## МАЪНАВИЙ ЯНГИЛАНИШ

### БУНЁДКОР ХАЛҚИМИЗ ҚУДРАТИ, ЎЗАРО БИРДАМЛИК РУҲИДАГИ ЭЗГУ ИНТИЛИШЛАРИДА НАМОЁН БЎЛМОҚДА



**Маънавият ҳамиша, ҳамма замонларда, аввало, инсон камолотига, одамлар қалбида эзгу фазилатларни ривожлантиришга хизмат қилиб келган. Энг муҳими, жамият ҳаётини эзгу ғоялар билан бойитиб, халқнинг бирдамлиги ва ҳамжиҳатлигига асосланган маънавий-руҳий маконни яратишда катта куч бўла олган. Айнан ана шу макон одамлар қалби ва онгида миллатпарварлик, ватанпарварлик руҳини мустаҳкамлаб, жамиятни юксак тараққиёт йўлига бошлайдиган янги уйғониш тўлқинларини юзага келтирган.**

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, **“Ўзбекистоннинг янги уйғониш даврини яратишга киришар эканмиз, ҳар бир юртдошимизнинг қалби ва онгида маънавият шуъласи порлаши ва у бизни эзгу ишларга ундаб, юксак масъулият туйғуси билан яшашга даъват этиб туриши зарур”.**

Давоми 5-бетда

КУН МАВЗУСИ

## ВАКЦИНАНИНГ БУСТЕР ДОЗАСИ

### коронавируснинг “омикрон” штаммидан ишончли ҳимоя

**Пандемия даврида коронавирус инфекцияси, унинг оғир асоратлари ва ўлим ҳолатларидан қутулиб қолишнинг энг самарали йўли — касалликка қарши эмланиш ҳисобланади.**

Ўзбекистонда аҳолини коронавирусга қарши эмлаш тадбирлари 2021 йил 1 апрелдан бошланган. Бугунги кунга қадар мамлакатимизга COVID–19 га қарши жами етти турдаги 49,8 миллион доза вакцина олиб келинди, яна 12 миллион доза вакцина келтирилиши кутилмоқда.

Республика аҳолиси, айниқса, болаларда коронавирус инфекциясига қарши иммунитетни шакллантириш мақсадида 2021 йил 21 сентябрдан 12 ёшдан катта болалар Pfizer, 17 ноябрдан бошлаб тўлиқ эмлаш курсини олганлар **бустер доза** билан ихтиёрий равишда эмланмоқда.

*Маълумот учун: “Бустер” сўзи инглиз тилидан олинган бўлиб, кўмакчи, ёрдамчи, тезлатувчи, жадаллаштирувчи каби маъноларни англатади.*

Хўш, вакцинанинг бустер дозаси билан кимлар эмланади?

Давоми 2-бетда

ТАҲЛИЛ ВА ТАҚҚОС



## ЮКСАЛИШ СУРЪАТЛАРИНИНГ ИШОНЧЛИ ТРАЕКТОРИЯСИ

**Мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг дастлабки якунларига кўра, макроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш ва иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларини сақлаб қолиш ислоҳотларнинг асосий мақсадларидан бири ҳисобланиб, 2021 йил ушбу мақсадларга эришишда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлди.**

**Ўтган йили иқтисодий ўсиш суръати 7,4 фоизни ташкил этди, бу эса аввал берилган прогнозлардан 5–6 фоизга юқори ва салмоқли натижа (айниқса, 2020 йилда пандемия билан боғлиқ бўлган 1,6 фоиз иқтисодий ўсиш фонида). 2021 йилда аҳоли жон бошига ЯИМ 1 955 долларни ташкил қилди, 2020 йили эса бу кўрсаткич 1 750 долларга тенг эди.**

2021 йили консолидациялашган бюджет даромадлари 203,5 триллион сўмни ёки ЯИМга нисбатан 28,2 фоизни ташкил қилди, негаки, солиқ тушумлари пандемиягача 2019 йилнинг мос даврига нисбатан 1,6 баробар, 2020 йилга нисбатан эса 1,3 баробар ошди.

Дастлабки маълумотларга кўра, асосий капиталга йўналтирилган инвестициялар ҳажми 7,4 фоиз ўсиш суръати билан 253,6 триллион сўмга етди. Республика товар-хомашё биржасининг умумий савдо ҳажми 82,2 триллион сўмни ташкил этиб, 2020 йилга нисбатан 63,7 фоизга ўсди. Давлат ташқи қарзи 25,5 миллиард долларни (ЯИМнинг 37,6 фоизи) ташкил этди, иқтисодиётга кредит қўйилмалари ҳажми эса 331,8 триллион сўмга тенг бўлди.

Валюта таваккалчилигини камайтириш мақсадида йил давомида давлат қарз портфели диверсификация қилинди ва миллий валютадаги қарзлар ҳажми босқичма-босқич оширилди. Хусусан, ўтган йили Ўзбекистон томонидан миллий валютада чиқарилган суверен еврооблигациялар ҳажми 2020 йилга нисбатан 500 миллиард сўмга ошиб, 2,5 триллион сўмни ташкил қилди. Купон ставкаси олдинги йилларга нисбатан 50 базавий пунктга тушиб, 14 фоиз бўлди.

Инфляция даражаси 2020 йил охирида 11,1 фоизга етганди, бу йил эса сўнгги ойларда кузатилган нархлар ўсишига қарамай, мазкур кўрсаткич 10 фоиздан паст даражада бўлди.



Макроиқтисодий кўрсаткичларнинг яхшилангани туфайли ўтган йили S&P халқаро рейтинг агентлиги Ўзбекистон Республикасининг суверен кредит рейтингини “салбий”дан “барқарор”га, Moody’s халқаро рейтинг агентлиги эса мамлакатимиз рейтингини “барқарор”дан “ижобий”га кўтарди.

### ИСЛОҲОТЛАРНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

2021 йил давомида иқтисодий фаолиятнинг барча йўналишларида ислоҳотлар фаол давом эттирилди. Уларнинг энг муҳимлари орасидан қуйидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин.

**Иқтисодиётдаги давлат иштирокини қисқартириш** таркибий ислоҳотларнинг муҳим йўналиши ҳисобланади, негаки, 2021 йил бошида мамлакат ЯИМнинг қарийб 50 фоиз ва ташқи савдо ҳажмининг бешдан бир қисми давлат корхоналари томонидан яратилди. Тижорат банклари, шунингдек, барча йирик суғурта компаниялари активларининг 80 фоиздан ортиғи ҳам давлатга тегишли эди, бу эса иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини сусайтиради.

Президентимизнинг 2021 йил 11 февралдаги **“Давлат активларини хусусийлаштириш жараёнларини янада жадаллаштириш тўғрисида”**ги фармони хусусийлаштириш миқёсларини кенгайтиришда муҳим аҳамият касб этди. Фармонга мувофиқ, профессионал ташкилотлар томонидан аниқланган қиймат ёки қийматлар оралиғи (баҳолаш фаолиятининг миллий стандарти талабларидан қатъи назар) савдо жараёнида мўлжал сифатида ҳисобга олинишига рухсат берилди. Давлат активларини бошланғич нархни эълон қилмаган ҳолда сотиш тўғрисида эълонлар бериш, шунингдек, 2 тадан кам бўлмаган таклифлар орасида энг яхшиси асосида сотиш бўйича қарорлар қабул қилиш ваколати берилди. Фармонда кимошди савдосига тўлиқ қўйилган давлат активлари, шунингдек, акцияларида давлат улуши сотилиши лозим бўлган 18 та корхона рўйхати тасдиқланди.

Мазкур фармон туфайли ўтган йили хусусийлаштириш жараёни янада жадаллашди. **Агар 2020 йилда 804 та объект хусусийлаштирилиб, ундан 1092 миллиард сўм маблағ тушган бўлса, 2021 йилда дастлабки маълумотлар бўйича 903 та объектни хусусийлаштиришдан 6030 миллиард сўм йиғилди.**

Давоми 3-бетда

МУНОСАБАТ

# ПРЕЗИДЕНТ МАКТАБЛАРИ

## УНДАГИ МУҲИТ, МЕТОДИКА БОШҚА МАКТАБЛАРГА ҲАМ ОЛИБ КИРИЛАДИ



**Ҳилола УМАРОВА,**
**Президент таълим муассасалари агентлиги раҳбари**

Бошланиши 1-бетда

Ушбу вазифалар ижроси юзасидан доимий ишчи гуруҳ тузиш белгиланди. У юртимиздаги 790 та мактабни Президент таълим муассасалари агентлигига ўтказиш учун мавжуд ҳолатни ўрганади. Хусусан, мактаблар биноси, қуввати, малакали педагог-кадрлар билан таъминлангани, микроҳудудга бириктирилгани каби масалалар ишчи гуруҳ томонидан ўрганилиб, хулоса ва таклифлар тақдим этилади.

2019 йилда юртимизда 271 та ихтисослаштирилган мактаб бор эди. Президентимизнинг аниқ фанлар ва хорижий тилларни ўргатишга оид ташаббуси, қабул қилган қарорлари натижасида математика ва физика фанлари бўйича 126 та, кимё-биология бўйича 87 та, ахборот технологиялари йўналишида 99 та, хорижий тиллар бўйича 207 та ихтисослаштирилган мактаб ташкил қилинди. Биргина Президент таълим муассасалари агентлиги қошида бугун 14 та Президент мактаби, 3 та ихтисослашган, 9 та ижод мактаби фаолият юритмоқда.

Давлатимиз раҳбари йиғилишда “Бу агентликни фақат 14 та мактаб учун тузганимиз йўқ. У Президент мактабларидаги муҳитни, методикани бошқа мактабларга ҳам олиб кириши керак”, деди. Шу боис, янги ўқув йилидан бошлаб, вилоят марказларидан, йирик шаҳар ва туманлардан иккитадан, кичик туман ва шаҳарлардан биттадан ихтисослашган мактаб Халқ таълими вазирлигидан Президент таълим муассасалари агентлигига ўтказилиши ва агентлик тизимида фаолият олиб бораётган ихтисослаштирилган мактаблар юртимиздаги бошқа ихтисослаштирилган мактаблар учун локомотив вазифасини бажариши белгилаб берилди. Бунда махсус ишчи гуруҳ томонидан ҳозирги мавжуд ҳолат тўлиқ ўрганилади ва уларнинг тавсияси ҳамда хулосаси асосида ихтисослаштирилган мактаблар босқичма-босқич агентлик тасаррууфига ўтказилади.

Бу мактабларда муайян фанлар ихтисослаштирилган ҳолда чуқур ўқитилади. Ўқув ишлари ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан уйғун олиб борилади. Бу эса юртимиз учун соҳанинг етук мутахассислари, илм-фанни юксалтиришга ҳисса қўшадиган иқтидорли олимлар етишиб чиқишига хизмат қилади.

Таълим даражаси, аввало, ўқитувчининг билими ва малакасига боғлиқ. Шу боис, ихтисослаштирилган мактабларга раҳбар ва педагоглар икки босқичли танлов асосида қабул қилинади. Йиғилишда Президент таълим муассасалари агентлигига ушбу тизим асосида юқори малакали ўқитувчиларни жамлаб, қўшимча ўқитиш, миллий ва халқаро сертификатлар олишига кўмаклашиш топширилди.



Агентликнинг Педагогик маҳорат ва халқаро баҳолаш маркази негизида илмий марказ ташкил этиш вазифаси берилди. У ихтисослаштирилган мактабларнинг ҳар бир йўналиши бўйича халқаро методика асосида илғор таълим дастурлари ишлаб чиқиш билан шуғулланади.

Ўқитувчиларни ишга қабул қилиш икки босқичли танлов асосида бўлади. Биринчи босқичда ўқитувчиларнинг билим ва маҳорати синовдан ўтказилади.

Иккинчи босқичда, ёзги таътилда ихтисослаштирилган мактабларда фаолият олиб борадиган педагоглар учун икки ҳафталик курслар ташкил этилади. Уларга Президент таълим муассасаларида фаолият олиб бораётган маҳаллий ва хорижлик ўқитувчилар, агентлик тизимидаги учта ихтисослаштирилган мактабнинг тренер ўқитувчилари жалб этилади. Тренинг сўнгида синовлардан муваффақиятли ўтган педагоглар ишга қабул қилиш учун тавсия этилади.

Ўқитувчиларни ишга қабул қилиш икки босқичли танлов асосида бўлади. Биринчи босқичда ўқитувчиларнинг билим ва маҳорати синовдан ўтказилади. Иккинчи босқичда эса ҳафталик курс ташкил этилиб, билим ва малакаси яна синовдан ўтказилади.

Агентлик томонидан хориж тажрибаси ўрганилган ҳолда ихтисослаштирилган мактаблар учун интеграциялашган таълим дастурлари ишлаб чиқилди. Биз бунда АҚШ, Россия, Австралия сингари давлатларнинг таълим дастурлари, International Baccalaureate, SAT каби имтиҳонлар, PISA, TIMSS, PIRLS халқаро баҳолаш дастурлари мазмунини таҳлил қилиб, миллий таълим дастурининг энг афзал томонлари билан уйғунлаштирдик. Бугун мазкур таълим дастурларини халқаро даражада тан олиш учун UK NARIC халқаро ташкилоти билан музокаралар олиб боряпмиз. Мазкур дастурлар янги ташкил этиладиган ихтисослаштирилган мактабларда жорий қилинади.

Аниқ фанларга ихтисослаштирилган мактаблар учун Ал-Хоразмий мактаби локомотив вазифасини ўтайди. Мазкур мактаб IT соҳасига йўналтирилган бўлиб, бу ерда математика, информатика, физика фанлари чуқурлаштириб ўқитилади. Табиий фанларга ихтисослаштирилган мактабларга Абу Али ибн Сино мактаби етакчи бўлиб хизмат қилади.

Ихтисослаштирилган мактабларда чет тили ва Ўзбекистон тарихи фанини ўқитишга, ўқувчиларни, аввало, ватанпарварлик руҳида тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилади. Ёшларда миллий ғурурни шакллантириш устувор вазифамиз саналади. Бунинг учун ихтисослик фанлар билан бир қаторда Ўзбекистон тарихи фанини чуқур ўқитишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шунингдек, фарзандларимизни жисмонан етук ва баркамол этиб вояга етказиш мақсадида Миллий гвардия билан биргаликда от спорти, камондан ўқ отиш каби миллий спорт турлари бўйича турли танловлар ўтказилади.

Агентлигимиз Cambridge Assessment International Education билан ҳамкорликда Президент мактабларига кириш имтиҳонларини ташкил этади. Ихтисослаштирилган мактабларга қабул жараёнини эса агентлик ҳузуридаги Педагогик маҳорат ва халқаро баҳолаш маркази ҳамда Кембриж таълим ташкилоти билан ҳамкорликда ташкил этиш кўзда тутилган.

Кириш имтиҳонларида йўналишидан келиб чиқиб, аниқ фанларга ихтисослаштирилган мактабларга математика, инглиз тили ва мантиқий фикрлаш фанларидан, табиий фанлар йўналишида эса биология, чет тили ва мантиқий фикрлаш фанларидан имтиҳон олинади.

Ихтисослаштирилган мактабларга энг иқтидорли ўқувчилар қабул қилинади. Мазкур мактабларда янги баҳолаш тизими жорий этилмоқда. Якуний имтиҳонлар агентлик ҳузуридаги Педагогик маҳорат ва халқаро баҳолаш маркази томонидан марказлашган ҳолда ташкил этилади. Шунингдек, ихтисослаштирилган мактаблар учун мўлжалланган таълим дастурларини халқаро даражада тан олиш учун тегишли ташкилотларга тақдим этганмиз. Бу мазкур мактаблар битирувчиларининг халқаро олий таълим муассасаларига ўқишга киришида устунлик беради.

Ихтисослаштирилган таълим қамровини кенгайтириш ўқитиш тизимида юксалишнинг янги босқичини бошлаб беради. Бундай муассасаларда билим олган ёшлар мамлакат тараққиётига муносиб ҳисса қўшадиган етук кадрлар бўлиб шаклланиши шубҳасиз. Таълим соҳасидаги дастлабки ислоҳотлар ўз натижасини бермоқда. Буларнинг барчаси халқ таълими соҳасини ривожлантириш ҳамма вақт давлат сиёсатининг ажралмас қисми бўлиши кераклигини кўрсатмоқда.

КУН МАВЗУСИ



# ВАКЦИНАНИНГ БУСТЕР ДОЗАСИ

## коронавируснинг “омикрон” штаммидан ишончли ҳимоя



**Нурмат ОТАБЕКОВ,**
**Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати директори ўринбосари**

Бошланиши 1-бетда

Бустер доза билан эмланувчи контингент аввал икки ва уч компонентли тўлиқ вакцина курсини олган ҳамда вакцинанинг биринчи дозасини олганига 6 ой ва ундан кўп вақт ўтган бўлиши керак.

Мазкур дозани фуқаролар коронавирусга қарши аввал қандай вакцина билан эмланганидан қатъи назар, мамлакатимиздаги коронавирусга қарши барча вакциналардан фойдаланган ҳолда олишлари мумкин.

Ушбу соҳадаги халқаро экспертларнинг фикрича, вақт ўтиши билан эмлангандан кейин ҳосил бўлган антитаначалар камая бошлайди. Ҳар қандай шахс вакцинанинг 2 ёки 3 дозасини олганидан сўнг унинг организмида COVID-19 га қарши антитаначалар пайдо бўлади ва маълум вақт ўтгандан сўнг уларнинг миқдори камайиб боради. Бустер доза билан қўшимча эмланиш эса бирламчи эмланишдан кейин ҳосил бўлган иммунитет даражасини ҳужайра даражасида аввал эмланганлик тўғрисида гуморал хотира мавжудлиги туфайли қисқа муддатда кўтаради. Демак, бустер доза орқали сусайиб бораётган иммун тизимини қайтадан барқарор ҳолатга келтириш мумкин.

Вакцинанинг бустер дозаси неча марта олинади?

Мутахассислар COVID-19 га қарши ҳозирча бир маротаба бустер доза олишни таклиф қилмоқда. Мабодо пандемия узоқ давом этгудек бўлса, бустер дозага бир неча маротаба мурожаат қилиниши ҳам мумкин.

Эслатиб ўтамиз, вакцинанинг бустер дозасидан фойдаланиш амалиёти тиббиётда анчадан бери мавжуд. Юртимизда шол, қизамиқ, қизилча, бўғма каби қатор юқумли касалликлар вакцинопрофилактикаси жараёнида қўлланилган.

Мутахассисларнинг фикрича, вакцинанинг бустер дозаси билан эмланиш “альфа”, “дельта” штаммларидан ташқари “омикрон” штамми билан чақирилган COVID-19 касаллигидан ҳам ҳимоя қила олади. Мабодо касаллик юқса ҳам у жиддий асоратларсиз, енгил ўтиб кетади.

# Президент Шавкат Мирзиёев 17 январь куни мактабларда таълим-тарбия сифатини ошириш, ихтисослаштирилган мактаблар фаолиятини такомиллаштириш масалалари бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказди




**Ихтисослашган мактаблар сони 790 та**

- **135** таси тўлиқ ихтисослашган ва интернат мақомига эга
- **655** та мактабдаги **25 %** синфларда фанлар чуқур ўргатилади.

**Булардан:**

- **207** та хорижий тиллар
- **87** та кимё-биология
- **126** та математика ва физика
- **99** та IT йўналишига ихтисослашади

**Ихтисослашган мактабларда:**

- Асосий ўқув дастурлари билан бирга, ўқувчиларнинг қизиқишларидан келиб чиқиб, нафақат фан тўгараклари, балки касбга йўналтирилган амалий машғулотлар ташкил этилади;
- Ўқувчилар халқаро таълим дастурлари асосида замонавий ўқув дарсликлари билан таъминланади;
- 9 синфга келиб, ўқувчилар камида 1 та хорижий тил бўйича миллий ва халқаро сертификат олишлари таъминланади;
- Юқори синф ўқувчиларининг бевосита корхоналарда амалиёт ўташи тизими жорий қилинади.



- Янги ўқув йилидан бошлаб, вилоят марказларидан, катта шаҳар ва туманлардан 2 тадан, туман ва шаҳарлардан 1 тадан ихтисослашган мактаблар Халқ таълими вазирлигидан Президент таълим муассасалари агентлигига ўтказилади.
- Ихтисослашган мактаблар фақат Президент таълим муассасалари агентлиги тизимида ташкил этилади.
- Ихтисослашган мактабларга раҳбар ва педагог кадрлар танлов асосида қабул қилиниб, уларга устама тўланади.
- Ихтисослашган мактаблар муаллимларини тайёрлаш, малакаси ва педагогик маҳоратини оширишнинг узлуксиз тизими яратилади.

ТАҲЛИЛ ВА ТАҚҚОС



# ЮКСАЛИШ СУРЪАТЛАРИНИНГ ИШОНЧЛИ ТРАЕКТОРИЯСИ



**Обид ҲАКИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Иқтисодий тадқиқотлар ва ислоҳотлар маркази директори**

**Фаол ижтимоий сиёсат ва камбағалликка қарши кураш давом эттирилади. 2022 йил учун давлат бюджети параметрларида аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишга 16,5 триллион сўм, яъни 2021 йилга нисбатан 1,2 баробар, 2016 йилга нисбатан 16 баробар кўп маблағ йўналтириш кўзда тутилган. Хусусан, 1,4 миллиондан ортиқ болалар ва кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлашга 7,5 триллион сўм (ўтган йилга нисбатан 2,4 триллион сўм кўп) йўналтирилади.**

Бошланиши 1-бетда

## ЕР МУНОСАБАТЛАРИ ИСЛОҲОТИ

Ер муносабатларини тижоратлаштириш бизнес учун катта аҳамиятга эга бўлди. Бу йўналишда Президентимизнинг 2021 йил 8 июндаги **“Ер муносабатларида тенглик ва шаффофликни таъминлаш, ерга бўлган ҳуқуқларни ишончли ҳимоя қилиш ва уларни бозор активига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”**ги фармони муҳим ўрин эгаллади. Унга мувофиқ, 2021 йилдан бошлаб ер участкалари хусусий секторга мулк ва ижара ҳуқуқи асосида, давлат ташкилотларига эса доимий фойдаланиш ҳуқуқи асосида ажратилмоқда. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар очиқ электрон танлов якунларига кўра, фақат ижара ҳуқуқи асосида ажратилиб, қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар эса мулк ҳуқуқи ва ижара ҳуқуқи асосида электрон онлайн-аукцион орқали реализация қилинмоқда. Шунингдек, жойларда давлат ҳокимияти органларининг ер муносабатларига оид бир қатор ваколатлари бекор қилинди.

Ер участкаларини рўйхатга олишни таъминлаш мақсадида **2021 йил 1 майдан бошлаб Ўзбекистон тарихида биринчи марта қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни электрон рўйхатга олиш жараёни бошланди.** Йил давомида қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларнинг мавжуд 24,1 миллион гектар (169,6 мингта участка) майдонидан 23,1 миллион гектарида электрон карталар яратилди, 21,8 миллион гектар ёки 127,1 мингта участка рўйхатга олинди.

**Экспорт салоҳиятини амалга ошириш** ислоҳотларнинг энг муҳим мақсадларидан биридир. Негаки, иқтисодиётдаги ички талаб аҳоли фаровонлигини ошириш муаммоларини ҳал этиш учун етарли эмас. Президентимизнинг 2021 йил 7 сентябрдаги **“Экспортчи корхоналарни рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони** бу борада муҳим аҳамият касб этди.

Фармонда Экспортни рағбатлантириш агентлиги томонидан йиллик экспорт ҳажми 20 миллион АҚШ долларидан ошган корхоналарга экспорт билан боғлиқ савдо операциялари учун бир марталик молиявий ресурслар 5 миллион АҚШ долларигача миқдорда ҳамда 1 йилгача муддатга тақдим этилиши назарда тутилган. Шу билан бирга, 1 миллион АҚШ долларидан ортиқ тайёр тўқимачилик маҳсулотларини экспорт қилган корхоналарга маҳсулот ишлаб чиқариш учун зарур буюмларни олиб киришда божхона тўловларини тўлаш бўйича фоиз ҳисобланмаган ҳолда, 120 кунга тўловни кечиктириш имкониятини тақдим этиш белгиланган. Бундан ташқари, юқори сифат ва назорат тизимига эга мамлакатлардан ишлаб чиқариш учун зарур буюмлар импортида миллий сертификат олиш талаби бекор қилинади.

Мазкур фармон экспортчилар учун ташқи иқтисодий фаолиятни сезиларли даражада енгиллаштирди, бунинг натижасида дастлабки маълумотлар бўйича, ташқи савдо айланмаси ЯИМга нисбатан 61,7 фоизни ташкил этган ҳолда 41 минг 897 миллион долларга етди, 2020 йилда эса бу кўрсаткич 60,6 фоизга тенг эди. **Экспорт 2020 йилдаги 15 минг 128 миллион доллардан 2021 йилда 18 минг 46 миллион долларга, яъни деярли 1,3 миллиард долларга ошди.**

**Инвестицияларни жалб қилиш** иқтисодиётни ривожлантириш учун муҳим аҳамиятга эга. Иқтисодиётни ривожлантиришга ички инвестицияларни янада фаол жалб этиш борасида Президентимизнинг 2021 йил 13 апрелдаги **“Капитал бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”**ги фармони қабул қилинди. Мазкур фармон билан капитал бозорини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари белгилаб берилди ҳамда 2021–2023 йилларда капитал бозорини ривожлантириш дастури ва уни амалга ошириш натижасида эришиладиган мақсадли кўрсаткичлар тасдиқланди.

Капитал бозорини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари қуйидагилар:

— капитал бозорининг капиталлашувини 2023 йил якунига қадар 45 триллион сўмга етказиш;

— барча тоифадаги инвесторлар учун капитал бозорининг қулайлигини ошириш;

— 2023 йил якунига қадар республика ва ҳудудий инвестиция дастурларининг қимматли қоғозлар чиқариш орқали молиялаштириладиган қисмини 5 фоизга етказиш;

— фонд бозорида ривожланиш мақсадларига йўналтириладиган инвестицияларни фаол молиялаштириш учун зарур шарт-шароитларни яратиш;

— капитал бозорини замонавий талабларга жавоб берадиган кадрлар билан таъминлаш тизимини ривожлантириш; капитал бозори иштирокчилари ҳамда аҳоли кенг қатламларининг билимларини оширишни қўллаб-қувватлаш дастурлари доирасида 2023 йил якунига қадар 40 минг нафар аҳолини қамраб олиш.

Умуман олганда, кўрилган чора-тадбирлар туфайли, йилнинг дастлабки натижаларига кўра, марказлашмаган инвестициялар ҳажми 6,7 фоизга ортиб, 201,6 триллион сўмга етди. Улардан хорижий инвестициялар ва гаровсиз ташқи кредитлар 19,7 фоизга ошиб, 89 триллион сўмни, тижорат банкларининг кредитлари эса 35,5 триллион сўмни (ўсиш 98,3 фоиз) ташкил қилди.

**Тадбиркорликни ривожлантириш** олиб борилаётган ислоҳотларнинг асосий устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Ўтган йил давомида тадбиркорликни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлашга катта эътибор қаратилган бўлиб, бизнес учун бюрократик харажатларни янада қисқартиришга йўналтирилган тегишли чоралар кўрилди.

Президентимизнинг 2021 йил 23 мартдаги **“Аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига давлат хизматларидан фойдаланишда янада қулай шароитлар яратиш, бу борада бюрократик тўсиқларни қисқартириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”**ги фармонига мувофиқ, 2021 йил 1 июндан бошлаб давлат органлари ва ташкилотлар томонидан фуқаролар ва тадбиркорлардан ҳужжатларнинг кенг рўйхатини талаб қилиш бекор қилинди.

Бизнесда солиқ солиш соҳасида тадбиркорлик учун шароитларни яхшилашга ҳам эътибор қаратилди. Президентимизнинг 2021 йил 7 сентябрдаги **“Солиқ мажбуриятларини бажаришда тадбиркорлик субъектларига янада қулай шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”**ги фармонига асосан, 2022 йил 1 январдан бошлаб, камерал солиқ текшируви натижалари бўйича аниқланган ҳуқуқбузарликлар учун молиявий санкциялар қўлланилмайди, шунингдек, тадбиркорлик субъектлари томонидан солиқ ҳисоботини белгиланган муддатларда тақдим этмаганлик учун молиявий санкциялар ҳам бекор қилинди.

Президентимизнинг 2021 йил 15 сентябрдаги **“Тадбиркорлик субъектлари учун маъмурий ва солиқ юкини янада камайтириш, бизнеснинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”**ги фармонига мувофиқ, 2021 йил 1 октябрдан қатъий белгиланган миқдордаги жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи тўловчиси бўлган якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан солиқ органларига солиқ ҳисоботини топшириш мажбурияти бекор қилинди. Бундан ташқари, фармон билан 2022 йилдан бошлаб тадбиркорлик субъектларига маъмурий босим даражасини аниқлаш ва енгиллаштиришга қаратилган Тадбиркорлик фаолияти эркинлиги индекси жорий этилади.

Кўрилган чора-тадбирлар натижасида тадбиркорлик сектори жадал ривожланди. Шундай қилиб, **ўтган йил мобайнида рўйхатга олинган кичик бизнес корхоналари сони 430 минг 793 тадан 484 минг 85 тага, фаолият олиб бораётганлари 405 минг 19 тадан 458 минг 538 тага, янги ташкил этилганлари эса 85 минг 476 тадан 91 минг 218 тага кўпайди.**

## ИЖТИМОИЙ СИЁСАТ ВА КАМБАҒАЛЛИККА ҚАРШИ КУРАШ

Мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий сиёсатининг асосий мақсадларидан бири янги иш ўринлари яратиш ҳамда ишсиз аҳоли бандлигини таъминлашдан иборат. Ўтган йили ҳам ушбу йўналишда самарали саъй-ҳаракатлар амалга оширилди. Дастлабки маълумотларга кўра, **457 мингдан ортиқ иш ўрни яратилди.** Вақтинчалик ҳақ тўланадиган жамоат ишларига 238,1 минг нафар ишсиз фуқаро жалб этилган бўлиб, уларнинг иш ҳақи учун Жамоат ишлари жамғармасидан 209,9 миллиард сўм ажратилди. 95,5 минг нафар ишсизга ишсизлик бўйича нафақа тўланди.

**Ишсиз фуқароларга иш қидириш ва даромад манбаларини кенгайтиришда давлат томонидан жиддий ёрдам кўрсатилди.** Жумладан, давлат фондидан ажратилган 102,3 миллиард сўм субсидия ҳисобига 47,3 минг нафар ишсиз ва қисман банд фуқаролар ишга жойлаштирилди. 17,7 мингта хусусий ер эгасига енгил иссиқхоналар қуриш, уруғлик, кўчат ва суғориш ускуналари харид қилиш учун 49 299,7 миллион сўм, шунингдек, 6,4 минг ишсиз фуқарони тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтказиш, тадбиркорликка ўқитиш ва кредит суғурта полисларини сотиб олиши учун 1,6 миллиард сўм миқдорда субсидиялар ажратилди.

Ушбу субсидиялар туфайли фаолиятнинг турли йўналишларида 475 та кооператив ташкил этилди.

**Ижтимоий қўллаб-қувватлаш.** Ўзбекистонда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга ҳамма вақт алоҳида эътибор қаратилган. Ўтган йил ҳам бундан мустасно бўлмади. Айниқса, эҳтиёжманд фуқароларни ижтимоий қўллаб-қувватлашга қаратилган ишлар йил давомида кенг кўламда давом этди. Жумладан, Президентимизнинг 2021 йил 25 мартдаги **“Кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, “Саховат” ва “Мурувват” интернат уйлари тизимини янада ривожлантириш тўғрисида”**ги фармони замонавий ижтимоий ҳимоя механизмларини ҳаётга татбиқ этишга қаратилди. Фармонга мувофиқ, соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Тиббий-ижтимоий хизматлар агентлиги негизида Ўзбекистон Республикаси Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари ташкил этилди. “Саховат” ва “Мурувват” интернат уйлари, Ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш ва протезлаш миллий маркази, ҳудудий реабилитация марказлари, уруш ва меҳнат фахрийлари учун санатория ва пансионатлар ҳамда бошқа ташкилотлар, шунингдек, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари “Саховат” ва “Мурувват” интернат уйлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳамда Ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси Агентлик тизимига ўтказилди. Агентлик шаклидаги давлат томонидан ваколат берилган ягона орган томонидан бошқарувнинг бундай марказлаштирилиши кўрсатилаётган ёрдам сифатини ошириш имконини берди.

Президентимизнинг 2021 йил 11 августдаги **“Кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш ҳамда камбағаллик билан курашиш кўламини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”**ги фармонига кўра, 2021 йил 1 сентябрдан бошлаб 14 ёшгача болалари бўлган оилаларга нафақа ҳамда бола икки ёшга тўлгунига қадар уни парвариш қилиш нафақаси ўрнига кам таъминланган оилаларга болалар нафақаси жорий этилди. Шу билан бирга, болаларнинг инобатга олинадиган ёши 14 ёшдан 18 ёшгача, тўлов муддати 6 ойдан 12 ойгача оширилиб, нафақа миқдори оиладаги болалар сонидан келиб чиққан ҳолда белгиланиши назарда тутилади, якка-ёлғиз фуқароларга, фарзанди бўлмаган ёки барча фарзандлари 18 ёшдан катта бўлган кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам тайинланади.

Аҳолининг яшаш шароитларини яхшилаш чора-тадбирлари ҳам давом эттирилди. Хусусан, Президентимизнинг 2021 йил 11 мартдаги **“Бозор тамойилларига асосланган ипотека кредитларини ажратиш орқали аҳолини уй-жой билан таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”**ги фармонига асосан, 2021 йил 1 июндан бошлаб ипотека кредити бўйича дастлабки бадал ва фоиз тўловларининг бир қисмини қоплаш учун субсидиялар тўлашнинг соддалаштирилган тартиби жорий этилди. Шу билан бир қаторда, 2021 йил 9 декабрда қабул қилинган худди шу йўналишдаги фармон билан 2021 йил 10 декабрдан бошлаб даромади юқори бўлмаган ва уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтож фуқароларга давлат бюджетидан субсидиялар тўлашда квартира майдонининг энг кўп меъёрини белгилаш амалиёти бекор қилинди. Бундан ташқари, субсидиялар сотиб олинаётган квартиранинг майдони ва нархи 2021 йил учун ўрнатилган квартира майдонининг энг кўп меъёри ва уй-жойнинг ҳисобланган қийматидан ошган тақдирда ҳам тўланади.

Шунингдек, **ўтган йили кам таъминланган оилаларга икки маротаба бир марталик моддий ёрдам маблағлари ажратилди.** Президентимиз 2021 йил 31 июлда **“Кам таъминланган ва ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар фарзандларини қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”**ги қарорни имзолаган бўлиб, унга кўра “Темир дафтар”га киритилган, боқувчисини йўқотганлик пенсияси ёки нафақасини олувчи оилалар, ногиронлиги бўлган 18 ёшга тўлмаган болаларга давлат бюджетидан 500 минг сўм миқдорида бир марталик моддий ёрдам пуллари ажратилди.

Президентимизнинг ўтган йил декабрь ойидаги қарорига мувофиқ, 2021 йилда “Темир дафтар” рўйхатига киритилган, 18 ёшга тўлмаган фарзандлари бор боқувчисини йўқотганлик пенсияси ёки нафақасини олувчи, 18 ёшгача болалар учун ногиронлик нафақасини олувчи оилаларга 800 минг сўм миқдорида бир марталик моддий ёрдам пуллари декабрь ойи охиригача тўлаб берилди.

**Камбағалликка қарши курашишда янги механизм.** **2021 йилдаги ислоҳотларнинг асосий йўналиши камбағалликка қарши курашиш бўлди.**

**“Янги йилда иқтисодий ислоҳотларнинг пировард мақсади камбағалликни қисқартириш ва аҳоли фаровонлигини оширишдан иборат бўлади”,** деган эди Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2020 йил 29 декабрда Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида.

Камбағалликка қарши курашишда асосий эътибор кам таъминланган аҳолининг асосий эҳтиёжларини қондиришга қаратилган бўлиб, уларни тўғри аниқлаш зарур. Бунинг учун ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари”, “маҳаллабай” иш услублари жорий этилиб, ижтимоий ҳимояга олинган оилалар сони икки баробарга ортди ва уларнинг моддий таъминоти оширилди. Шу асосда ўтган йили муҳтож оилалар ҳақида барча маълумотлар киритилган ва уларга электрон шаклда ижтимоий хизмат кўрсатишга имкон яратувчи “Ижтимоий реестр”ни шакллантириш ишлари якунланди. Айни дамда давлат томонидан ягона дарча асосида тақдим этилаётган барча ижтимоий хизматлар ушбу тизим орқали амалга оширилаётган бўлиб, унда ижтимоий нафақа олаётган оилалар қайд этилган.

Камбағаллик муаммосини тезроқ ҳал этиш учун бунинг ўзи кифоя бўлмади ва шу сабабдан 2026 йил якунига қадар ўта камбағалликни бутунлай йўқ қилиш, нисбий қашшоқлик даражасини 2 баробар қисқартириш, даромадлар тенгсизлигини 2020 йилдаги 7 баробардан 2026 йилда 4–5 баробаргача камайтириш вазифаси қўйилди. Шунинг учун йил сўнгида ҳар бир маҳаллада қашшоқликка қарши самарали курашни таъминлашга имкон берадиган қарор қабул қилинди.

Президентимиз 2021 йил 3 декабрда **“Маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш бўйича давлат сиёсатининг устувор йўналишлари тўғрисида”**ги фармонни ҳамда **“Маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ҳоким ёрдамчилари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”**ги қарорни имзолади.

Фармон билан 2022 йил 1 январдан бошлаб ҳар бир маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ҳоким ёрдамчиси лавозими жорий этилиб, унинг зиммасига кенг кўламли вазифалар юкланди. Улар аҳолининг бандлик даражаси, даромад манбалари ва эҳтиёжларини баҳолаб, муаммоларни ҳал қилиш имкониятларини излашлари лозим. 2022 йилда ҳоким ёрдамчиларининг ўз вазифаларини бажаришда фойдаланиладиган молиявий воситалар манбалари ҳам белгилаб олинди.



## 2022 ЙИЛ ИСТИҚБОЛЛАРИ

2022 йилда ЯИМ ва саноатнинг ўсишини камида 7 фоизга ошириш, хизматлар ҳажмини эса 30 фоизга кўпайтиришни таъминлаш мақсади қўйилди. Аҳоли жон бошига ЯИМ ҳажми 2 105 АҚШ долларига етиши кутилмоқда.

Иқтисодий сиёсатнинг асосий йўналиши макроиқтисодий барқарорликни таъминлашдан иборат бўлиб, бунинг учун йиллик инфляция даражасини 9 фоизгача пасайтириш, ташқи қарз даражасининг ЯИМнинг 60 фоиздан ошмаслиги учун тақчиллик даражаси 3 фоиздан ошмайдиган мувозанатли бюджетга ўтиш зарур.

2022 йилда асосий капиталга йўналтирилган инвестициялар ҳажми 298,7 триллион сўмни ташкил этиши кутилмоқда, бу ўтган йилга нисбатан 7,4 фоиз кўпдир. Марказлаштирилган сармоялар ҳажми 20,1 фоизга ортиб, 51,3 триллион сўмни, марказлашмаган инвестициялар ҳажми эса 11,9 фоизга (247,5 триллион сўм) оширилади.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, олиб борилаётган ислоҳотлар изчиллик хусусиятига эга ва шунинг учун улар 2022 йилда босқичма-босқич чуқурлаштирилади.

Иқтисодиётдаги давлат улуши қисқаришда давом этади. **2022 йилда хусусийлаштиришдан бюджетга камида 10 триллион сўм олиш, шундан камида 8 триллион сўм маблағ 36 та йирик давлат активларини сотиш ҳисобига тушиши режалаштирилмоқда.** Шунингдек, давлат корхоналарининг 380 та асосий фаолиятга тегишли бўлмаган ва самарасиз активлари ҳамда минтақавий миқёсдаги 770 та давлат активлари ҳам сотилади.

“Ўзсаноатқурилишбанк”, “Ипотека-банк”, “Туронбанк”ни трансформация қилиш ва хусусийлаштиришга тайёрлаш ишлари давом эттирилади. Микрокредитбанк микромолиялаштириш хизматлари кўрсатиш билан боғлиқ янги тараққиёт стратегиясига мувофиқ ўзгартирилади. Давлат банкларидаги корпоратив бошқарув Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти (ИҲРТ) стандартларига мувофиқлаштирилади.

Энергетика секторидаги ислоҳотлар монополияга барҳам бериш ва бозор механизмларини жорий этишга, жумладан, энергия бозорини тартибга солувчи мустақил органни яратишга қаратилади. Нефть-газ секторида табиий газнинг рақобатбардош улгуржи бозорини босқичма-босқич шакллантириш учун “Ўзбекнефтгаз”нинг ташкилий-ҳуқуқий тузилмасини жаҳоннинг етакчи нефть-газ компаниялари стандартларига уйғунлаштириш ҳамда Ҳудудгазтаъминот фаолиятига хусусий операторларни жалб этиш кўзда тутилмоқда.

Қишлоқ хўжалигида кластерлаштиришни ривожлантириш жараёнлари давом эттирилади ва шу орқали рағбатлантирувчи давлат кўмаги тақдим этилади. Хусусан, пахта-тўқимачилик кластерларига имтиёзли кредитлар ажратилади, мева-сабзавот кластерлари учун суғурта бадаллари давлат ҳисобидан қопланади. Кичик интенсив мева-сабзавот лойиҳалари учун 100 миллион сўмгача кредитлар тақдим этилади.

Фаол **ижтимоий сиёсат ва камбағалликка қарши кураш** давом эттирилади. **2022 йил учун давлат бюджети параметрларида аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишга 16,5 триллион сўм, яъни 2021 йилга нисбатан 1,2 баробар, 2016 йилга нисбатан 16 баробар кўп маблағ йўналтириш кўзда тутилган.** Хусусан, 1,4 миллиондан ортиқ болалар ва кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлашга 7,5 триллион сўм (ўтган йилга нисбатан 2,4 триллион сўм кўп) йўналтирилади.

Аҳоли бандлигини таъминлаш соҳасида йирик тармоқ ва ҳудудий инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш, шунингдек, янги кичик ва микрокорхоналар ташкил этиш ҳисобига 2022 йилда 528,8 мингта доимий янги иш ўринларини яратиш бўйича прогноз режалар ишлаб чиқилди. Шу ўринда, қарийб 110 мингта янги кичик корхоналар яратилади.

Камбағалликка қарши курашиш ва уни ҳоким ёрдамчилари орқали маҳаллалар даражасида ташкил этиш сиёсати давом эттирилади. Бунинг учун оилавий бизнес дастурлари доирасида ҳар бир микротуманда янгидан ташкил этилган корхоналарга кредитлар тақдим этиш учун 10 триллион сўм миқдоридаги маблағ ажратилади.

## ХУЛОСА

Шу тариқа, олиб борилаётган ислоҳотларда 2021 йил чиндан ҳам туб бурилиш нуқтаси бўлди. 2020 йилда пандемия натижасида кескин иқтисодий тўхташ кузатилганидан сўнг, 2021 йилда пандемиядан олдин кузатилган иқтисодий ўсиш суръатларининг ишончли траекториясига чиқди. Иқтисодий ислоҳотлар илгари ҳал бўлмаган энг мураккаб муаммолар — давлат мулкини қисқартириш, ер ислоҳоти, капитал бозорини жадал ривожлантириш томон силжиди.

Бешта устувор йўналиш бўйича Ҳаракатлар стратегияси ниҳоясига етказилиб, уни амалга ошириш орқали муҳим натижаларга эришилди ҳамда Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси ишлаб чиқилди. Камбағалликка қарши курашнинг янги механизми жорий этилиши натижасида ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг янги босқичи бошланиб, у ислоҳотлар алоҳида йўналишларга тааллуқли бўлган аввалги босқичдан фарқли ўлароқ, ўзгаришларни ҳар бир маҳаллага, ҳар бир инсонга етказган ҳолда кенг қамровли хусусият касб этди.

Амалга оширилаётган мазкур ислоҳотлар 2022 йилда ҳам давом эттирилади ва чуқурлаштирилади.

www.yuz.uz | yuz.uznews | yuz_official

ДОЛЗАРБ МАВЗУ

# ФУДШЕРИНГ

## озиқ-овқат маҳсулотлари исроф қилинишининг олдини олишда замонавий ёндашув



### Беш қўл баробар эмас

Чехиянинг Добромержице посёлкасидаги ресторанлардан бирининг маъмурияти охиригача истеъмол қилинмаган таом учун мижозларга жарима жорий қилди. Гап шундаки, 97 крон эвазига хўранда таомномада мавжуд бўлган хоҳлаган овқатини, исталган миқдорда олиб ейиши мумкин. Фақат овқатланиб бўлгач, мижоз ликопчасини ошхонага олиб бориб бериши керак. Борди-ю, ликопчада таом ейилмасдан қолиб кетган бўлса, хўранда 50 крон жаримага тортилади. Ресторан раҳбарияти исрофгарчиликка нисбатан ана шундай курашишга қарор қилган.

Бугун айрим ривожланган давлатларда озиқ-овқат маҳсулотлари исроф қилинишига қарши ана шундай курашилмоқда. Чунки йилдан-йилга дунё аҳолиси сони кўпайиб, шунга мос тарзда озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талаб ҳам ортиб бормоқда. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмолчига етказиш оддий жараён эмас. Бунинг учун қанчадан-қанча одам тер тўкади, вақт, маблағ ва катта ресурслар сарфланади. Айрим давлатлар ортиқча озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариб, исрофгарчиликка йўл қўяётган бир пайтда, баъзи камбағал мамлакатлар аҳолиси оғзи овқатга етмай, очарчиликдан қийналаётгани масаланинг қанчалик долзарблигидан далолат беради.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг маълумотларига қараганда, бугунги кунда дунёда 820 миллион одам очарчиликдан азият чекмоқда. Ваҳоланки, дунё бўйича озиқ-овқат маҳсулотларининг учдан бир қисми турли сабаблар билан фойдаланилмай, чиқинди сифатида ташлаб юбориляпти.

БМТ Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти — ФАО маълумотларида қайд этилишича, АҚШда йилига ҳар бир одам 115 килограммдан озиқ-овқат маҳсулотларини исроф қиляпти. Бу кўрсаткич Европада 95, Африка ва Жануби-Шарқий Осиёда 7–11 килограммни ташкил этаётир.

Аёнки, дўконлар муддати ўтаётган озиқ-овқат маҳсулотларидан воз кечади. Умумий овқатланиш муассасалари сотилмай қолиб кетган, одамлар эса сотиб олган ёки пиширган таомларининг ортиқчасини ташлаб юборади. Аслида ана шундай озиқ-овқат маҳсулотлари ва таомларга муҳтож одамлар борлиги эса инобатга олинмайди.

### Дунё давлатлари исрофгарчиликка қарши қандай курашмоқда?

Францияда бир киши йилига 30 килограмм озиқ-овқат маҳсулотини исроф қилар экан. Бунинг натижасида мамлакат ҳар йили 12–20 миллиард еврогача зарар кўрмоқда.

"Российская газета" нашрининг ёзишича, Россияда фуқаролар ҳамда савдо тармоқлари ҳар йили қиймати 1,6 триллион рубль бўлган 17 миллион тонна озиқ-овқат маҳсулотларини чиқинди сифатида ташлаб юборади. Бундай миқдордаги маҳсулотлар билан 30 миллион аҳолини бир йил давомида боқиш мумкин экан. Ушбу мамлакатда нон ва нон маҳсулотлари, макарон, ун, картошка ҳамда сут маҳсулотлари кўпроқ исроф қилинаётгани аниқланган.

Бугунги кунда ривожланган мамлакатларда озиқ-овқат ресурслари исрофгарчилигига қарши курашиш борасида қатъий чоралар кўрилмоқда. Хусусан, 2016 йилда Францияда супермаркетларнинг сотилмай қолган, бироқ истеъмолга яроқли озиқ-овқат маҳсулотларидан воз кечишини тақиқлайдиган қонун қабул қилинган. Унга мувофиқ, савдо дўконлари сотилмай қолиб кетган маҳсулотларни ёрдамга муҳтож аҳоли вакилларига етказиб бериш юзасидан хайрия ташкилотлари билан шартнома туза бошлади.

Статистик маълумотлар шундан далолат берябтики, Хитойда ҳар йили 35 миллион тонна озиқ-овқат маҳсулотлари чиқинди сифатида ташлаб юборилади. Шу боис, Хитой парламенти 2021 йилда озиқ-овқат маҳсулотларининг исроф этилишига қарши курашиш билан боғлиқ қонун қабул қилди.

Too Good To Go

Айрим давлатларда, хусусан, Бельгияда фудшерингга асосланган муассасалар фаолият кўрсата бошлади. Уларда озиқ-овқат қолдиқларидан шўрвалар тайёрлаб сотилмоқда. Данияда эса Too Good To Go махсус иловаси ишга туширилган бўлиб, унда ресторанлар, супермаркетларда сотилмай қолиб кетган маҳсулотлар бўйича маълумот бериб борилади. Мазкур иловадан Европанинг 11 та мамлакатида фойдаланилмоқда. Бу орқали минглаб килограмм овқат исроф этилишининг олди олинмоқда.

### Ортиқчасини бошқаларга илин!

БМТнинг бонг уришича, озиқ-овқат маҳсулотларининг исроф этилиши ва айнишининг олдини олиш дунёда очарчиликка қарши курашишда муҳим аҳамият касб этади. Бу эса фудшеринг тизимини дунё миқёсида йўлга қўйишни ва ривожлантиришни тақозо этмоқда.

Дунё мамлакатларида татбиқ этила бошланган фудшеринг қандай тизим? Унинг жаҳон миқёсида озиқ-овқат ресурсларидан унумли фойдаланиш, исрофгарчиликнинг олдини олиш, атроф-муҳит мусаффолигини сақлашдаги ўрни қандай?

Аввало, фудшеринг атамасига изоҳ бериб ўтсак. Фудшеринг инглизча сўз бўлиб, food — "овқат", share — "бўлишмоқ" деган маънони англатади. Бу муддати ўтиб бораётган, лекин сотилмай қолган озиқ-овқат маҳсулотларини хайрия ташкилотлари ёки онлайн-платформа, ижтимоий тармоқлар орқали тарқатиш амалиётидир. Бу шундай ҳаракатки, ташкилот ва одамларнинг ортиқча озиқ-овқатни исроф қилиб, шунчаки ташлаб юборишининг олдини олади, уни муҳтож одамларга тортиқ этиш имконини беради.



Фудшеринг Германияда, даставвал озиқ-овқат чиқиндилари юзага келишининг олдини олиш усули сифатида пайдо бўлган. Кейинчалик бу ижтимоий моҳият касб этиб, жамиятнинг кам таъминланган оилаларини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш вазифаларини ҳам ўз ичига ола бошлайди.

Дунёдаги илк фудшеринг-лойиҳа Германиянинг Foodsharing.de платформаси бўлиб, 2012 йилда ишга туширилган. Айни пайтда Германия, Австрия, Швейцария ва бошқа Европа мамлакатларидан 200 минг нафардан зиёд киши мазкур онлайн-платформадан рўйхатдан ўтган. Шу билан бир қаторда, Германияда 1,65 миллион нафар кишига озиқ-овқат маҳсулотларини беғараз етказиб берадиган озиқ-овқат банклари ҳам мавжуд.

Бугунги кунда фудшеринг билан турли жамоат ташкилотлари, волонтёрлик ҳаракатлари ҳамда озиқ-овқат банклари шуғулланмоқда. Улар ортиб қолган озиқ-овқат маҳсулотларини тақсимлаш, уларни муҳтожларга етказиб беришда қўл келади.

Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, фудшерингнинг турли шакллари мавжуд. Хусусан, истеъмолчидан истеъмолчига (consumer-to-consumer) модели кенг тарқалган. Унга кўра, жисмоний шахслар ўзлари улашмоқчи бўлган озиқ-овқат маҳсулотларини маълумот ва суратлар билан онлайн-платформага, ижтимоий тармоқларга жойлайди. Унга қизиқиш билдирганлар эълон муаллифи билан учрашув жойини белгилаб, ундан ўша озиқ-овқатни қабул қилиб олади. Нафақат харид қилинган, балки уйда тайёрланган турли таомлар ҳам платформа воситасида ижтимоий ҳимояланмаган аҳоли қатламларига етказиб берилади. Муҳими, бундай саховат беғараз кўрсатилади.

Бизнесдан истеъмолчига (business-to-consumer) усулида эса ишлаб чиқарувчилар, компаниялар, дўконлар муддати ўтаётган маҳсулотларни истеъмолчиларга ёрдам тариқасида етказиб беради. Бу орқали ҳам ижтимоий ёрдам кўрсатилади, ҳам экологияга зарар етказишнинг олди олинади.

Мазкур усулнинг нотижорат шаклида волонтёрлар келишув асосида тегишли ташкилотга келиб, улашиладиган озиқ-овқат маҳсулотларини ижтимоий ҳимояланмаган аҳоли қатламларига етказиш чораларини кўради. Мазкур сервис фаолият кўрсатаётганидан буён 30 минг тоннадан зиёд озиқ-овқат маҳсулотлари исроф қилинишининг олди олинди.

### "Food Banking" фудшеринг вазифасини бажаради

Аёнки, ижтимоий ҳимояланмаган аҳоли қатламларига турли тармоқлар — маҳалла, ҳокимият, хусусий сектор орқали асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотларини етказиб бериш тажрибаси амалиётда учрайди. Айниқса, пандемия даврида бу борада кўплаб ишлар амалга оширилди. Лекин айнан фудшеринг тизими мамлакатимизда ҳозирча йўлга қўйилгани йўқ.

Бугунги кунда Ўзбекистонда озиқ-овқат маҳсулотлари, жумладан, музлатилган, қайта ишланган гўшт-сут маҳсулотлари ёрлиқларида яроқлилик муддати "истеъмол қилиш муддати" кўринишида қўлланилади, бироқ халқаро амалиётда маҳсулот ёрлиқларида "мақбул бўлган истеъмол муддати" қўлланилиб, маҳсулотни ушбу муддатдан кейин ҳам истеъмол қилиш мумкин.

хайрия тарзида тарқатиш фаолиятини амалга оширувчи "Food Banking" ташкилотлари тизимини жорий этиш белгиланган.

Бундан ташқари, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ҳамда озиқ-овқат маҳсулотларидаги йўқотишларни қисқартириш мақсадида "Ўзбекистон Республикасининг миллий озиқ-овқат хавфсизлиги ва соғлом овқатланишнинг 2022–2030 йилларга мўлжалланган стратегияси" лойиҳаси ишлаб чиқилди.

— Ушбу стратегия лойиҳасида 5 та устувор йўналиш белгиланган бўлиб, улар орасида озиқ-овқат маҳсулотларини хайрия тарзида ижтимоий ҳимояланмаган аҳоли қатламларига тарқатиш фаолиятини амалга оширувчи "Food Banking" тизимини ташкил қилиш учун чоралар кўриш каби вазифалар киритилган, — дейди Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Озиқ-овқат саноатини ривожлантириш бошқармаси бошлиғи Отажон Пирмонов. — "Food Banking" моҳиятан фудшеринг билан ўхшаш. Мазкур тизимни ташкил этиш орқали истеъмолдан ортиқча маҳсулотларни йиғиш ва уларнинг истеъмолга яроқли бўлган қисмини хайрия қилиш, истеъмолга яроқсиз қисмини қайта ишлашга йўналтириш, тўғридан-тўғри чиқиндихоналарга ташланишининг олдини олиш орқали исрофгарчиликка йўл қўймаслик ва экологияга салбий таъсирини камайтиришга эришиш кўзда тутилган. Бунинг учун ушбу тизимнинг электрон платформаси ташкил этилиши ҳамда унинг иштирокчилари алоҳида ташкилот сифатида шаклланиши, давлат рўйхатидан ўтказилиши, мазкур соҳага муайян имтиёз ва преференциялар қўлланиши таклиф этилмоқда.

The Global FoodBanking Network®

Дунё тажрибасидаги ана шундай жиҳатлар ҳисобга олиниб, мамлакатимизда озиқ-овқат маҳсулотларини хайрия тарзида ижтимоий ҳимояланмаган аҳоли қатламларига тарқатиш фаолиятини амалга оширувчи "Food Banking" тизимини йўлга қўйиш бўйича чоралар кўрилмоқда.

Хусусан, 2021 йил 17 сентябрда Вазирлар Маҳкамасининг "Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотлари йўқотишларини қисқартиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори қабул қилинди.

Ушбу қарорда тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда хорижий тажрибани чуқур ўрганган ҳолда, республикада озиқ-овқат маҳсулотлари исрофгарчилигини камайтириш, ушбу маҳсулотларни йиғиб олиш ва уларни

Мухтасар айтганда, фудшеринг тизими озиқ-овқат ресурсларини увол қилишнинг олдини олишда замонавий усул сифатида дунё мамлакатларида аллақачон жорий қилинган ва бу ўз самарасини бермоқда. Мазкур йўналишдаги илғор хорижий тажрибаларни ўрганиб, мамлакатимизда фудшеринг муқобили — "Food Banking" тизимининг жорий қилиниши келгусида озиқ-овқат ресурсларидан янада унумли фойдаланиш, истеъмолга яроқли бундай ресурсларни одамларга етказиш орқали исроф бўлишининг олдини олишда муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиз.

**Шаҳзод ҒАФФОРОВ,**
**"Янги Ўзбекистон" мухбири**

ТОМОРҚА — ХОНАДОН ХАЗИНАСИ



# ҚИШ ЧИЛЛАСИДА ЁЗ НЕЪМАТЛАРИ



Қаҳратон қиш қиличини яланғочлаб турган бир паллада олтиариқлик деҳқонлар ёз неъматлари етиштириш билан андармон. Миришкорлар йилнинг тўрт фаслида ҳам даромад олади. Айни кунда хонадон томорқаларига экилган аччиқ қалампир ҳосилга кирди.

"Эски араб" маҳалла фуқаролар йиғинининг Эзгулик кўчасида умргузаронлик қилаётган Жасурбек Сиддиқов ёш бўлса-да, миришкор томорқачи сифатида тилга тушди. Хонадонидаги мўъжаз иссиқхонада бўлган киши кўзни қувонтириб турган неъматлардан баҳра олади. Садафдек терилган аччиқ қалампир кўчатлари қийғос ҳосилга кирган.

— Бу, иккинчи ҳосилимиз, — дейди Жасурбек эгатларда маржондек осилиб турган қизил қалампирларга боқиб. — Бир тоннадан ортиқ ҳосил олишни кўзлаб турибмиз. Қарийб 40 миллион сўм даромад дегани бу. Ҳосилни йиғиштириб олгач, бодринг экамиз. Айни кунда кўчатларимизни экишга тайёрлаб қўйганмиз. Бу қиш поёнига етмай янги ҳосил олиш имкониятини беради.

Жасурбек "Ҳар бир оила — тадбиркор" давлат дастури доирасида "Халқ банки"нинг туман бўлимидан 24 миллион сўм имтиёзли кредит олиб, иссиқхона қурди, томчилатиб суғориш жиҳозларини ўрнатди, иссиқлик тизимларини ишга туширди. Амалий ишлар йилнинг тўрт фаслида томорқадан унумли фойдаланишда қўл келмоқда. Хонадондаги ҳар бир қарич ер ҳисоб-китобли. Тартиб билан экилган мевали дарахтлар, узум кўчатлари, чорва моллари хонадон даромадининг асосини ташкил этади. Шинам уй-жой, автомашина оила аъзоларининг ҳамжиҳатликда қилган меҳнатлари маҳсули.

> **— Маҳалламизда бекор юрган одам, бўш қолган экин майдони йўқ. 568 та хонадоннинг деярли ҳар бирида иссиқхона ташкил қилинган, — дейди "Эски араб" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Хайруллохон Муножатов. — Кейинги йилларда қиш фаслида ёз неъматларини етиштиришга бўлган тажрибалар оммалашиб бормоқда.**



— Маҳалламизда бекор юрган одам, бўш қолган экин майдони йўқ. 568 та хонадоннинг деярли ҳар бирида иссиқхона ташкил қилинган, — дейди "Эски араб" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Хайруллохон Муножатов. — Кейинги йилларда қиш фаслида ёз неъматларини етиштиришга бўлган тажрибалар оммалашиб бормоқда. Айниқса, қалампир етиштириш ҳадисини олган миришкор ёшлар кўп. Ўтган йили 24 нафар ёш "Ҳар бир оила — тадбиркор" давлат дастурига биноан иссиқхона қурди. Бугун улар сархил кўчат ва маҳсулот етиштиришда ўз соҳасининг билимдонларига айланган. Етиштирилган сара ҳосиллар ички бозордан ташқари яқин қўшни мамлакатларга ҳам экспорт қилинмоқда.

Томорқани хонадон хазинаси дейишади. Кафтдек ерга уруғ қадаган киши унинг роҳатини кўради. Оилада катталар меҳнатини ва изланишларини кўриб улғайган ёшлар ҳалол меҳнат ортидан келаётган даромад, фаровон турмуш қадрига етиб яшайди.

**Расулжон КАМОЛОВ,**
**"Янги Ўзбекистон" мухбири**



ИНСОН ҚАДРИ УЧУН

# МАЪНАВИЙ ЯНГИЛАНИШ




## БУНЁДКОР ХАЛҚИМИЗ ҚУДРАТИ, ЎЗАРО БИРДАМЛИК РУҲИДАГИ ЭЗГУ ИНТИЛИШЛАРИДА НАМОЁН БЎЛМОҚДА

**Минҳожиддин ҲОЖИМАТОВ,**
**Республика Маънавият ва маърифат маркази раҳбари**



**Бошланиши 1-бетда**

Жамиятдаги маънавий янгиланишлар ҳар бир инсонни қалбан-руҳан эзгу мақсадлар йўлида бирлаштиришга хизмат қилади. Бу йўлда миллий ғоя, миллий маънавият ҳар бир халқнинг амалий дастурига айланади. Бирлашган жамият юксак метин қоядек собит туради, бирлашолмаган жамият қумдай сочилиб кетиши мумкин. Ҳар бир мамлакатни, аввало, бирлашган фидойилар юксалтиради! Янги йилнинг дастлабки кунлари ана шундай ойдин ниятлар билан бошланди. Ўтаётган кунлар ҳаётимизни ҳар томонлама таҳлил қилишни тақозо этмоқда. Шукроналар бўлсинки, бизнинг сарҳисоб қиладиган, хулоса чиқарадиган, ибрат оладиган қадриятларимиз етарли. Айниқса, кейинги йиллар мустақил юртимиз тарихида алоҳида қайд этиладиган ёрқин воқеаларга бой бўлди.

Бугунги кунда **"Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари"** деган улуғвор мақсад кун тартибига қўйилди. Тараққиётнинг янги даври талаблари асосида мамлакатимизда амалга ошириладиган энг муҳим вазифалар белгилаб олинди.

Мамлакатимизни ривожлантириш бўйича қабул қилинган Тараққиёт стратегиясида белгилаб берилган устувор вазифалар Ўзбекистоннинг янги Ренессансига — учинчи Уйғониш даврига мустаҳкам пойдевор бўлиши лозим. Ана шу маънода, бундан бир йил муқаддам, айнан 19 январь куни мамлакатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев раислигида бўлиб ўтган Республика Маънавият ва маърифат Кенгашининг илк йиғилиши юртимиз тараққиётида янги бурилиш даврини бошлаб берганини алоҳида таъкидламоқ жоиз. Унда маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш, бу борада давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигини мустаҳкамлаш, Республика Маънавият ва маърифат марказининг мувофиқлаштирувчи ролини кучайтириш, соҳада илмий ёндашувни кенг жорий этиш, илғор ташаббусларни қўллаб-қувватлаш бўйича аниқ чоралар белгиланди.

Давр талабларини ўзида мужассам этган йўналишлар асосида 2021 йил 26 мартда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ва "Маънавият ва ижодни қўллаб-қувватлаш мақсадли жамғармасини ташкил этиш тўғрисида" қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 3 июндаги "Республика Маънавият ва маърифат маркази ҳузуридаги Ижтимоий-маънавий тадқиқотлар институти фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги қарори Ўзбекистонда маънавий-маърифий ишларни тизимли йўлга қўйиш, мувофиқлаштириш борасида янги йўналишни яратишга асос бўлди.

Президентимизнинг 2021 йил 26 мартдаги "Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори асосида барча вазирлик ва идораларда Маънавият ва маърифат кенгашлари тузилди. Мазкур кенгашлар фаолиятини мувофиқлаштириб бориш бўйича икки томонлама "Йўл харита"лари ишлаб чиқилиб, маънавий-маърифий ишларнинг янги тизими амал қила бошлади. "Йўл харита"ларида белгилаб қўйилган тадбирларни бугунги кун талаблари даражасида амалга ошириш мақсадида илк бор мамлакатимиздаги 109 та вазирлик, идора ва ташкилот Республика Маънавият ва маърифат маркази билан, 630 дан зиёд корхона ва ташкилот Марказнинг Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоят бўлимлари билан, 5175 дан зиёд корхона ва ташкилот туман бўлинмалари билан икки томонлама ҳамкорликнинг йўлга қўйилиши маънавий-маърифий соҳада янги тизим яратиш борасидаги биринчи қадамлар бўлди.

Давлат хизматларини ривожлантириш агентлиги ҳамда Республика Маънавият ва маърифат маркази томонидан Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини баҳолаш индикаторлари (KPI) ишлаб чиқилди. Мазкур индикаторлар асосида ҳудудларда маънавий-маърифий ишлар ҳолатини мунтазам баҳолаб бориш йўлга қўйилмоқда.

Мамлакатимизда маънавий-маърифий соҳада янги тизим яратиш, жойларда тарғибот-ташвиқот ишларининг самарадорлигини оширишга кўмаклашиш бўйича 30 нафар олим, ижодкор ва мутахассислардан иборат Марказ қошида Республика экспертлар гуруҳи ташкил этилди.

Ўрганиш натижаларига кўра, маънавий-маърифий соҳага масъул ходимларнинг малакасини оширишга қаратилган махсус ўқув курслари ташкил этиш, соҳа вакилларининг методик таъминотини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилди. Ижтимоий тармоқлардан самарали фойдаланган ҳолда "Маърифат" тарғиботчилар жамияти аъзоларининг маънавий-маърифий тарғиботи бўйича фаоллигини ошириш, тарғибот тадбирлари ва материалларни ижтимоий тармоқлар орқали ёритиш янада жадаллаштирилди. Корхона, ташкилот, муассаса ва бошқа тузилмаларда маънавият масалаларига жамоатчилик асосида бириктирилган масъулларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг малакасини ошириш ишлари йўлга қўйилди.

Ҳеч кимга сир эмас, ҳозирги глобаллашув даврида дунё майдонида ҳамма соҳаларда кескин кураш ва рақобат тобора аёвсиз тус олмоқда. Айрим давлатлар, сиёсий марказлар томонидан бошқа мамлакатларни ўз таъсир доирасига олиш, озодлик руҳини синдириш, мустақиллигини тизгинлаш, айниқса, ёшларнинг онгу тафаккурини эгаллаш орқали тараққиёт ва барқарорлик, миллий бирлик ва ҳамжиҳатлик илдизларига болта урувчи манқуртларга айлантирмоқда. Бу йўлда ҳавойи ёрлиқлар ёпиштирилган ёлғон ва пуч даъволар асосида турли усул ва воситаларни қўллашга жуда катта куч, маблағ ва имкониятлар сафарбар этиляпти.

Мана шундай мураккаб шароитда миллий ўзлигига эга бўлмаган, маънавий ҳамжиҳатликка эришмаган мамлакат моддий ва маънавий бойликларини, энг ёмони, мустақиллигини бой бериб қўйиши ҳеч гап эмас. Бунга ўтмишдан ҳам, бугунги кунимиздан ҳам истаганча мисоллар келтириш мумкин. Ана шундай шароитда тарғиботнинг тезкор, замонавий усулларидан фойдаланмасдан мақсадга эришиш қийин. Шу маънода, Республика Маънавият ва маърифат маркази қошида "Oyina.uz" электрон портали ташкил этилиб, Рақамли тарғибот бўлими фаолияти йўлга қўйилди.

Давлатимиз раҳбари "Янги Ўзбекистон стратегияси" асарида **"...тарғибот-ташвиқот ишларида аҳолининг ҳудудий, касбий ҳамда ёш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда мутаносиб, мақсадли ва мазмунли ёндашувни жорий этиш тартибини яратиш ва уни амалиётга қўллаш механизмини такомиллаштириш"** вазифасини белгилаб берган эди. Албатта, мақсадга эришиш учун ҳудудий бўлимлар зиммасига янги масъулият ва мазмун юкланиши табиий. Уларнинг фаолият самарадорлигини ошириш мақсадида Марказнинг ҳудудий бўлим ва бўлинмаларига жами 303 та (шундан ҳудудий бўлимларга 28 та, туман/шаҳар бўлинмаларига 275 та) қўшимча штат бирлиги ажратилиб, мазкур штат бирликлари тегишли мутахассислар билан тўлдирилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 3 июндаги "Республика Маънавият ва маърифат маркази ҳузуридаги Ижтимоий-маънавий тадқиқотлар институти фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги қарори билан Ижтимоий-маънавий тадқиқотлар институти ташкил этилди. "Тафаккур", "Маънавий ҳаёт" журналлари ҳамда "Маънавият" нашриёти Марказ тасарруфига ўтказилиб, улар фаолиятини ривожлантириш чоралари кўрилди.

Ўтган вақт давомида Қурилиш вазирлиги томонидан "Маънавият ва маърифат маскани"нинг намунавий лойиҳаси ишлаб чиқилиб, 2021 йил учун ҳудудлар кесимида 48 та туман/шаҳарда Маънавият ва маърифат масканларини фойдаланишга топшириш бўйича ташкилий-қурилиш ишлари олиб борилди. Бугунги кунда 27 та туман/шаҳарда Маънавият ва маърифат масканлари фойдаланишга топширилди.

Маънавий-маърифий ва тарбиявий ишларни намунали йўлга қўйиш бўйича анъанавий тарзда ўтказилиши режалаштирилаётган **"Энг намунали вазирлик ва идора"** ҳамда **"Энг намунали туман ва шаҳар"** танловлари ўтказилди. Танловда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар Маънавият ва маърифат кенгашлари тавсияси асосида 14 та туман/шаҳар ҳамда 20 та вазирлик ва идора ўз аризалари асосида иштирок этди.

Ўтган йилнинг июнь-август ойларида танлов иштирокчиларининг маънавий-маърифий йўналишдаги фаолияти ўрганилиб, ғолиб ва совриндорлар аниқланди. Танлов ғолибларини тақдирлаш учун 3 дона "Дамас" автомобили ҳамда 101 миллион сўмлик китоблар тўплами харид қилинди. Танлов ғолибларини тақдирлаш маросими 2021 йил 15 декабрь куни Республика Маънавият ва маърифат марказида ўтказилди.Танловда Махсус комиссиянинг ўрганиш натижаларига кўра, Қорақалпоғистон Республикаси Элликқалъа ва Фарғона вилояти Бувайда туманлари 1-ўринни эгаллади. Вазирлик ва идоралар ўртасида эса Мудофаа вазирлиги 1-ўринга муносиб кўрилди. Танлов ғолибларининг тақдирланиши барча вазирлик ва идоралар, туман ва шаҳарларда маънавий-маърифий ишлар ривожланишига кучли таъсир кўрсатди.

Мактабгача таълим, халқ таълими, олий ва ўрта махсус таълим соҳасидаги маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, бу борада бошқа ташкилот ва идоралар билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш бўйича ягона тизим ишлаб чиқилди. 2021 йил 1 апрелдан бошлаб барча олий таълим муассасалари ва уларнинг филиалларида Ёшлар билан ишлаш бўйича проректор лавозими негизида Ёшлар масалалари ва маънавий-маърифий ишлар бўйича проректор лавозими жорий этилди. Республикадаги барча умумтаълим мактабларининг маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосарлари фаолиятини ўқув йили якунига кўра кенгаш муҳокамасига киритиш тартиби йўлга қўйилди. Хусусан, 2020-2021 ўқув йили якуни бўйича 7565 нафар директор ўринбосарининг фаолияти кўриб чиқилиб, шундан 520 нафари яхши, 6911 нафари қониқарли, 144 нафари эса қониқарсиз деб топилиб, улар фаолиятини кучайтириш бўйича тегишли чоралар кўрилди.

Халқ таълими вазирлиги, Республика Маънавият ва маърифат маркази, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳамда Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасининг "Умумий ўрта таълим муассасаларида ижодий-маданий масалалар бўйича тарғиботчи лавозимини жорий этиш тўғрисида"ги қўшма қарори қабул қилинди. Ҳудудий танлов комиссиялари хулосасига кўра, 10 008 та умумтаълим мактабига ижодий-маданий масалалар бўйича тарғиботчи тайинланди. Улар учун намунавий дастур ишлаб чиқилди. Шунингдек, таълим муассасаларидаги тарбияси оғир ўқувчилар ҳамда уларнинг ота-оналари билан эл-юрт ҳурматига сазовор фахрий авлод вакиллари иштирокида "Авлодлар учрашуви" лойиҳаси, "Бир маҳаллага бир зиёли маънавий ҳомий" ҳамда "Бир нуроний — беш нафар ёшга мураббий" тамойиллари асосида профессор-ўқитувчилар, ижодкор зиёлилар, ижтимоий фаол нуронийларни жалб қилган ҳолда "маҳаллабай" ишлаш тизими яратилди.

Албатта, эртанги кунимиз ворисларини ҳар томонлама етук шахслар этиб тарбиялашда тарих энг катта мактабдир. Шонли тарихимизни билиш, аждодларимиз билан фахрланиш фарзандларимизда миллий ғурур ва ифтихор туйғуларини кучайтиради. Бу йўналишда ҳам кўплаб тадбирлар ташкил қилинди. Жумладан, Республика Маънавият ва маърифат кенгашида берилган топшириқлар асосида тегишли вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 685 йиллигига бағишлаб "Амир Темур — дунё олимлари ва адиблари нигоҳида" мавзусида халқаро илмий-амалий конференция ўтказилди. Унда Франция, Германия, Россия, Туркия, Миср, Уммон султонлиги, Эрон, Покистон, Озарбайжон каби дунёнинг 14 та мамлакатидан Амир Темур ва Темурийлар даври илм-фани, маданияти, тарихи бўйича илмий тадқиқотлар олиб бораётган 17 нафар меҳмон ҳамда 60 дан зиёд маҳаллий олим қатнашди.







Ҳозир "Жалолиддин Мангуберди изидан" илмий экспедицияси ташкил этилди. "Жалолиддин Мангуберди тарихининг янги саҳифаларини ўрганиш" мавзусида халқаро илмий-амалий конференцияни ўтказиш бўйича ташкилий чоралар кўрилмоқда. Конференцияда иштирок этиш истагини билдирган 15 дан ортиқ хорижий мамлакатдан 20 га яқин олим ва мутахассислар билан ҳамкорлик мулоқоти олиб борилмоқда.

Миллий қадриятларимизни тарғиб қилиш, уларни мазмунан бойитиб, замонавий имижини юксалтириш соҳасидаги ишлар юртимиздаги маънавий муҳитнинг жозибадорлигига ижобий таъсир этмоқда. Республика экспертлар гуруҳи томонидан ҳудудларда Республика Маънавият ва маърифат кенгашида белгиланган вазифалар ҳамда 2021 йилда соҳага оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини ташкил этишга кўмаклашиш мақсадида ҳудудларда семинар-тренинглар ҳамда маҳорат дарслари ташкил қилинди.

Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятларда жами 52 та семинар-тренинг ташкил этилди. 15 та туманда ҳудуддаги тегишли соҳа бўйича ҳоким ўринбосарлари, ректорлар, мактаб директорлари, профессор-ўқитувчилар ва ижодий-маданий масалалар бўйича тарғиботчилар иштирокида маънавий-маърифий тарғибот ишларини ташкил этиш учун "Маҳорат дарси" ўтказилди.

Марказ ва унинг ҳудудий бўлимлари томонидан Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ҳамда нодавлат телеканаллар билан ҳамкорликда 170 дан зиёд кўрсатув ва интервьюлар тайёрланиб, эфирга узатилди.

Албатта, кўрсатилаётган эътибор натижасида маънавий-маърифий ишлар жонланганлигини кўриб турибмиз. Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Давлат тили, Давлат байроғи қабул қилинганининг 30 йиллиги ва Давлат мадҳияси тўғрисидаги қонунлар қабул қилинган кунларни илк бор оммавий байрам сифатида муносиб нишонлаш бўйича ўтказилган тадбирлар халқимиз, хусусан, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда маънавий-маърифий ишлар қанчалар катта аҳамиятга эгалигини кўрсатди. Бу байрамни нафақат мамлакатимизда, хорижий давлатлардаги элчихоналаримиз, Ўзбекистондан ташқарида таълим олаётган, меҳнат қилаётган фуқароларимиз, ўзга юртлардаги ватандошларимиз томонидан ҳам муносиб ва жўшқин руҳда нишонлангани бундай тадбирларни халқимизни миллий юксалиш ғояси атрофида жипслаштиришдаги ўрнини яна бир карра намоён этди. Тўғриси, бу байрамлар жамиятимиздаги муҳитни маълум бир маънода ўзгартирди. Одамларимиз байроқ, мадҳия ва бошқа давлат рамзлари ҳаётимизда миллий ғурур ва ифтихор, туйғуларини жўш урдирувчи қудратли восита эканини қалбан ҳис қилди.

Бу тадбирлар, албатта, яхши. Шу билан бирга, бизга халқимизнинг ватанпарварлик руҳини янада кўтариш ва барқарорлигини таъминлаш, айниқса, ёшларни миллий юксалиш ғояси руҳида тарбиялаш мақсадига қаратилган узлуксизлик, мунтазамлик асосига қурилган алоҳида, мустаҳкам тизим керак.

Бугунги ҳаётнинг ўзи биздан янгича фикрлашни, янгича ишлашни талаб қилмоқда. Афсуски, кўпинча биз маънавият иши деганда одамларни тўплаб маъруза қилишни тушунамиз. Аслида-чи? Ҳаётимизнинг бирор-бир жабҳаси, бирор-бир они йўққи, у маънавиятсиз амалга ошириладиган бўлсин. "Алоҳида таъкидлаб кўрсатмоқчиманки, — деб ёзади Президентимиз Шавкат Мирзиёев "Янги Ўзбекистон стратегияси" китобида, — агар кимки маънавият масаласи, бу — фақат Маънавият маркази ёки тегишли вазирлик ва идораларнинг иши, деб ўйласа, катта хато қилади. Буларнинг ҳаммаси давлатимиз ва жамиятимизнинг, барча раҳбарларимиз, бизнинг ишонган тоғимиз бўлган илғор зиёлиларимиз, барча-барчамизнинг энг асосий ва муҳим вазифамиздир". Энди фақат ҳисобот учун мажлис ўтказиш, аудиториянинг ёш хусусиятлари, хабардорлик даражасини, маънавий эҳтиёжларини ҳисобга олмаган ҳолда, ҳаммага бир хил ёндашиш, тайёргарлик кўрмасдан зерикарли оммавий маърузалар қилиш даври ўтди. Тадбир ўтказавериб, одамларни мажлислардан бездириб ҳам қўйдик. Унинг қандай самара бераётгани билан қизиқмадик.

Давр ўзгарди, халқимиз, ёшларимиз бугун янгича фикрлаяпти. Энди маънавий тадбирларда мамлакатимизда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар, қабул қилинаётган қонун ҳужжатлари ва давлат дастурлари мазмун-моҳиятини аҳолининг кенг қатламларига етказишга қаратилган тарғибот ишларини изчил амалга ошириш бўйича янги замонавий тарғибот технологияларига ўтишимиз керак. Одамларга дунёда юз бераётган мураккаб геосиёсий ва ғоявий-мафкуравий жараёнларнинг мазмун-моҳияти ҳақида ҳам ҳар томонлама чуқур маълумот ва тушунчалар бериб бориш муҳим аҳамиятга эга. Айниқса, терроризм, диний экстремизм, ақидапарастлик, одам савдоси, "оммавий маданият", наркобизнес каби таҳдидларга қарши биргаликда курашишнинг самарали механизмларини, инновацион усулларини ишлаб чиқишимиз лозим.

Жамиятимизнинг барқарор ривожланишига тўсқинлик қилаётган эл-юрт тақдирига лоқайдлик, маҳаллийчилик, уруғ-аймоқчилик, оилавий қадриятлар ва ёшлар тарбиясига эътиборсизлик каби ички иллатларга барҳам беришга қаратилган комплекс чора-тадбирларни амалга оширишимиз керак.

Бу ишларни жойларда ташкил қилиш ва мувофиқлаштириб боришда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси, барча бўғиндаги ҳокимлар — ҳудудлардаги Маънавият ва маърифат кенгашларининг раисларидан жуда катта масъулият талаб этилади. Шунинг учун, аввало, ҳудудий кенгашлар фаолиятини танқидий кўриб чиқиб, ишни тўғри йўлга қўйиб олишимиз керак.

Афсуски, айрим раҳбарлар бундай ўта масъулиятли вазифани етарли даражада ҳис қилмаяпти. Уларнинг кўпчилиги ўзлари раҳбарлик қилаётган ҳудудда юзага келган маънавий муҳитдан етарли даражада хабардор эмас. Ҳар бир раҳбар маънавий-маърифий ишларни зиёли-олимлар, фидойи ватандошларимиз, жамоатчилик билан ҳамкорликда йўлга қўйган бўлса, ўша жойда жиноятчилик, турли экстремистик ва террористик оқимларга адашиб қўшилиб қолиш ҳолатлари, миллий қадриятларга эътиборсизлик, эрта турмуш қуриш ва оилавий ажрим каби салбий ҳолатлар камая боради.

**"Узлуксиз маънавий тарбия концепцияси"** асосий ҳаракатлантирувчи кучга айланиши, бу борада куч ва маблағни сира аямаслигимиз керак.

Япония, Жанубий Корея, Сингапур каби давлатлар қандай қилиб, ниманинг ҳисобига жаҳоннинг энг ривожланган давлатлари қаторига кирди? Ваҳоланки, бу давлатларнинг табиий қазилма бойликлари деярли йўқ. Барча хомашёни хориждан сотиб олади. Демак, аввало, ёшлар қалбида улуғ Ватанимизга, миллий ғоямиз, маънавиятимиз, миллий қадрият ва бой меросимиз, она тилимиз, давлат рамзларига нисбатан буюк муҳаббатни шакллантиришимиз зарур. **Токи, ватанимизнинг эртанги келажаги бўлган ҳар бир ёш йигит-қиз бу улуғ тушунчаларни мустақилликни асрагандай асрай билсин! Ёшлар буюк қадриятларнинг ҳимоячисига айланиши керак!**

Биз бугунги кунда фарзандларимиз тарбияси, ёшлар камолоти йўлида жуда кўп ишларни амалга оширяпмиз. Лекин натижа ва самара ҳали қониқарли эмас. Таҳлилларга кўра, 60 фоиздан зиёд ота-оналар фарзандларига етарли даражада тўғри тарбия беришни билмайди. Баъзи мактабгача таълим муассасалари ва умумтаълим мактабларида эса тарбия масаласига эътибор ҳамон паст даражада қолмоқда.

Маълумки, инсон маънавияти ўзгариб туради. Шундай экан, маънавият иши биз учун ҳар куни, ҳар соатда, керак бўлса, ҳар нафасда шуғулланишимиз лозим бўлган ҳаётий муҳим масалага айланиши керак. Бу соҳада кичкина, арзимаган ишдек туюлган ҳолат ҳам эртага катта муаммоларни келтириб чиқариши мумкин. Маънавият соҳасида бирор-бир ишни қилиб бўлдим, деб хотиржамликка берилиш ярамайди. Мана шуни ҳаммамиз яхши англаб олишимиз керак.

Жамиятимиз янги 2022 йилга нафақат иқтисодий-ижтимоий соҳалар, балки маънавий соҳаларда белгилаб олинган вазифалар билан ҳам дадил қадам қўйди. Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясида "Маънавий тараққиётни таъминлаш, ушбу соҳани тубдан ислоҳ этиш ва янги босқичга олиб чиқиш" борасида алоҳида йўналиш белгиланиб, "Янги Ўзбекистон — маърифатли жамият" концепциясини ишлаб чиқиш, амалга ошириш бўйича кўзда тутилган устувор вазифалар, шубҳасиз, жамиятдаги маънавий янгиланиш — бунёдкор халқимиз қудрати, ўзаро бирдамлик руҳидаги эзгу интилишларида намоён бўлади. Халқимизни янги йилда энг улуғ мақсадлар йўлида жипслаштирадиган умуммиллий ватанпарварлик ҳаракатига асос бўлиб хизмат қилади.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news

## 19 ЯНВАРЬ — МАҲМУДХЎЖА БЕҲБУДИЙ ТАВАЛЛУД ТОПГАН КУН







# МИЛЛАТ ФИДОЙИСИ

**Дилноза ЖАМОЛОВА,**
**ЎзФА Тарих институти докторанти,**
**тарих фанлари бўйича фалсафа доктори**



**Туркистон ижтимоий-сиёсий ҳаракатининг энг йирик намояндаси, Туркистон жадидлари раҳнамоси, мустақил жумҳурият ғоясининг байроқдори, янги мактабчилик назариётчиси ва амалиётчиси, ўзбек драматургияси асосчиси, ношир Маҳмудхўжа Беҳбудий (1875–1919 й.) тарихимизнинг ғоят оғир ва мураккаб бир даврида яшади. Ўлкамизни босиб олган Россия империяси узоқ йиллар зўр бериб, уни турғун ва тутқун сақлашга уринаётган бир шароитда Ватанни бутунлай йўқ бўлишдан сақлаб қолиш, авлодларни озодлик ва мустақиллик руҳида тарбиялаш, маърифат ва тараққиётга бошлаш Маҳмудхўжа Беҳбудий ва унинг издошлари зиммасига тушганди. Улар Туркистонда “Усули жадид”, “Усули савтия” номлари билан шуҳрат топган янги мактаблар ташкил этиб, улардаги ўқитиш тизимини ислоҳ қилди. Хусусий мактаблар очиб, болаларга диний фанлар билан бирга аниқ ва табиий фанларни ўқитди, шеър ва мақолалари ҳамда саҳна асарлари орқали миллий онгни шакллантириш, миллий ғурур ва ифтихор туйғуларини сингдиришга уринди.**

Маҳмудхўжа Беҳбудий 1875 йил 19 январда Самарқанд яқинидаги Бахшитепа қишлоғида дунёга келган. Отаси Беҳбудхўжа Солиҳхўжа ўғли Аҳмад Яссавий авлодидан бўлиб, имом-хатиблик билан шуғулланган. Она томондан бобоси Ниёзхўжа урганчлик бўлиб, Бухоро амири Шоҳмурод даврида (1785–1800 й.) Самарқандга келиб қолган. Маҳмудхўжа тоғаси қози Муҳаммад Сиддиқ тарбияси ва қарамоғида ўсиб вояга етди. Араб тили грамматикасини кичик тоғаси Мулла Одилдан ўрганди. Бухоро мадрасаларида таҳсил олиб юрган пайтларида дастлаб онаси (1893 й.), сўнг отаси (1894 й.) вафот этгач, моддий қийинчиликлар сабаб ўқишни ниҳоясига етказа олмади. Самарқандга қайтиб, Муҳаммад Сиддиқ қозихонасида мирзалик қила бошлади. Тез орада қозиликдан муфти даражасига кўтарилди.

1899-1900 йилларда Маҳмудхўжа Беҳбудий Ҳаж зиёратига отланади. Саккиз ойлик саёҳати даврида озодлик учун кураш йўлларини излади. Жаҳонда бўлаётган воқеа-ҳодисалар, жумладан, миллий озодлик ҳаракатлари ва уларнинг сабаблари, моҳиятини миллат манфаати нуқтаи назаридан тафаккур чиғириғидан ўтказади. Шарқнинг Европа давлатлари мустамлакаси остида бўлган бошқа мамлакатлари аҳволи ҳақида маълумот тўплаб, уларнинг ҳуррият йўлидаги ҳаракатларини ўрганди.

Ватанига қайтган мутафаккир тарихимизнинг таназзул босқичлари, сабабларини тафтиш қилди, бу масалалар борасида маслакдошлари Ҳожи Бақо, Ҳўқандбой Абдухолиқ ўғли, Бадриддин сингари дунёқараши кенг инсонлар билан мунозаралар ўтказди. Ана шу баҳслар, фикр алмашувлар натижасида хулосалар чиқариб, Туркистоннинг мустамлакага тушиб қолиши сабабларини кўрсатиб, юртни озод қилиш бўйича режаларини ишлаб чиқади. Аммо буни амалга ошириш йўлида бир-биридан кучли тўсиқлар бор эди. Уларнинг энг оғири халқ оммасининг парокандалиги, ижтимоий ва ҳуқуқий онгининг пастлиги эди. Шунинг учун ҳам Маҳмудхўжа Беҳбудий ва унинг сафдошлари ҳуррият учун курашнинг дастлабки ва зарурий босқичи — миллатни маърифат билан “қуроллантириш”ни танлайди.

1903 йили аллома ташаббуси билан шогирдлари Сиддиқий Ажзий, Абдуқодир Шакурий Ражабамин қишлоғида, Ҳожи Муин Хўжа Нисбатдор маҳалласида жадид мактабларини очади. Беҳбудий мактаблар фаолиятини ташкил этиш билан бирга, улар учун “Рисолаи асбоби савод” (1904 й.), “Рисолаи жуғрофияи умроний” (1905 й.), “Рисолаи жуғрофийойи Русий” (1905 й.), “Китобат ул-атфол” (1908 й.), “Амалиёти ислом” (1908 й.), “Тарихи ислом” (1909 й.) каби дарслик ва қўлланмалар ёзади.

1908 йили “Қироатхонаи Беҳбудия” *(кейинчалик “Беҳбудия” номи билан машҳур бўлган)* кутубхонасини очади. Ушбу кутубхона икки навбатда — соат 9 дан 17 гача ва соат 18 дан 24 гача китобхонларга хизмат кўрсатган. Аллома “Самарқанд кутубхона исломияси” мақоласида кутубхонада 600 та китоб ва рисола, газета ва журнал эса ундан ҳам кўп бўлганини ёзади. 1914 йилги саёҳати давомида Кавказ, Қрим, Туркия, Юнонистон, Булғористон, Австрия ва Германиянинг турли шаҳарларида бўлиб, у ерлардан ўз кутубхонаси учун жуда кўп китоб ва рисолалар олиб келади.

Маҳмудхўжа Беҳбудий янги усул мактаблари фаолиятини ташкил этиш, дарсликлар ёзиш, кутубхона очиш билан чекланиб қолмаган. Замон ва дунё воқеалари билан танишиб бориш, миллат ва Ватан аҳволидан, кундалик ҳаётидан огоҳ бўлиш учун 1913 йилдан матбуот ишларини йўлга қўяди ва шу йилнинг апрелидан “Самарқанд” газетаси ҳамда август ойидан “Ойина” журналини чиқара бошлайди. “Самарқанд” газетаси ўзбек ва тожик тилларида, ҳафтада икки марта, дастлаб икки, сўнг тўрт саҳифада чоп этилган. 1913 йил 17 сентябрда газетанинг 45-сони чиққач, бир томондан, мустамлакачилар цензураси, иккинчи томондан, етарли маблағ бўлмагани сабаб тўхтатилади.

Ҳафталик “Ойина” журнали обуначилари нафақат Туркистон, балки Кавказ, Татаристон, Эрон, Афғонистон, Ҳиндистон ва Туркияда ҳам бор эди. 1915 йилгача нашр қилинган журналда Туркистон аҳолисининг ҳақ-ҳуқуқи, тарихи, тил-адабиёт масалаларига бағишланган ғоят муҳим мақолалар, баҳслар бериб борилган. Айниқса, тил масаласи муҳаррирнинг ҳамиша диққат марказида турган. Маҳмудхўжа Беҳбудий миллат тараққийси учун бир неча тилни билишни шарт, деб ҳисоблаган.

Мутафаккирнинг адабий танқидга оид мақолалари ҳам журнал саҳифаларидан ўрин олган. Алишер Навоийдан кейинги бир неча асрлик сукунатдан сўнг, “Танқид сараламоқдур” мақоласида бу соҳанинг ўзига хос хусусиятларини таъкидлаб, адабиётда тенг ҳуқуқлилик масаласини ўртага қўяди. Миллат ўзини англагандагина, ижтимоий-сиёсий масалаларни бошқалар билан тенг муҳокама эта олади, деган фикрни илгари суради.

Маҳмудхўжа Беҳбудий миллат зиёлиларидан Абдурауф Фитрат, Сиддиқий, Ҳожи Муин, Акобир Шомансур, Муҳаммад Саид, Саидризо Ализода, Саидаҳмад Васлий, Тавалло, Садриддин Айний, Ҳаким Бухорий, Ниёзий Ражабзоданинг мақолалари ва шеърларини “Ойина” саҳифаларида чоп этиб боради. Нашр ёш қаламкашлар, бўлғуси адиб ва маърифатпарварлар учун тажриба майдони вазифасини ҳам ўтагани маълум.

“Ойина” журнали таҳририятининг фаолияти мустамлакачилар томонидан доимий назоратда бўлган. Ўзбекистон Миллий архивида Туркистон ҳарбий округининг штаб бошлиғи имзоси билан Самарқанд вилоят ҳарбий губернаторига 1914 йил 19 август куни 100-хат юборилган бўлиб, унда Биринчи жаҳон уруши даврида “маҳаллий матбуотда Россия манфаатига зид мақолалар пайдо бўлиши мумкинлиги боис” Туркистон ҳарбий цензураси Самарқанддаги нашрларни назорат қилиб туришни штабс-капитан Отаевга топширади. “Ойина” журнали тўғрилама-қораламасидан кўчирма журнал босмадан чиқишига икки кун қолгунча цензурага юборилиши бош муҳаррир зиммасига юклатилади. Маҳмудхўжа Беҳбудий ҳарбий округга чақиртирилиб, ушбу “ўта махфий хат” остига “ўқидим ва маълумот учун қабул қилдим”, дея имзо чектирилади. Шу билан бирга, Туркистон генерал-губернаторлиги нашри “Туркистон вилоятининг газети”да миллий журналда чоп этилган фикрларга қарши чиқишлар кўпайтирилади. “Ойина” бош муҳаррири эса уларга муносиб жавоб бериб боради. Аммо журнал фаолиятини чеклаш учун олиб борилган узлуксиз ҳаракатлар ўз самарасини беради ва 1915 йилга келиб журнал фаолияти бутунлай тўхтатилади.

Аллома жамият ҳаётидаги иллатлар, нуқсонлар ва илмсизликни саҳнада кўрсатиш орқали халқни тараққийпарварликка даъват этиш мақсадида 1914 йили миллий театрга асос солади. Театр саҳнаси учун “Падаркуш” драмасини ёзади. Китоб жилдига “Бородино жанги ва Россиянинг французлар босқинидан халос бўлишининг юбилей санасига бағишланади”, деган ёзув билан Тифлис цензурасидан рухсат олгач, 1913 йили уни чоп эттиради. “Падаркуш” дастлаб 1914 йил 15 январда Самарқандда, 1914 йил 27 февралда Тошкентда саҳнага қўйилган. Абдулла Авлонийнинг “Турон” гуруҳи ўз фаолиятини мана шу “Падаркуш” билан бошлаган эди “Турон” гуруҳи 1914-1916 йилларда бу спектакль билан бутун Фарғона водийсини айланиб чиқади. Ушбу саҳна асари Туркистонни жунбушга келтирган қирғинбарот йилларда ҳам саҳнадан тушмайди. Бу, бир томондан, миллатни маърифат ва тараққиёт сари ундаган бўлса, иккинчи томондан, росмана ўзбек театри ва драматургиясининг майдонга келиши ҳамда тараққиётига хизмат қилади.

> **Маҳмудхўжа Беҳбудий янги усул мактаблари фаолиятини ташкил этиш, дарсликлар ёзиш, кутубхона очиш билан чекланиб қолмаган. Замон ва дунё воқеалари билан танишиб бориш, миллат ва Ватан аҳволидан, кундалик ҳаётидан огоҳ бўлиш учун 1913 йилдан матбуот ишларини йўлга қўяди ва шу йилнинг апрелидан “Самарқанд” газетаси ҳамда август ойидан “Ойина” журналини чиқара бошлайди. “Самарқанд” газетаси ўзбек ва тожик тилларида, ҳафтада икки марта, дастлаб икки, сўнг тўрт саҳифада чоп этилган. 1913 йил 17 сентябрда газетанинг 45-сони чиққач, бир томондан, мустамлакачилар цензураси, иккинчи томондан, етарли маблағ бўлмагани сабаб тўхтатилади.**



1917 йил март ойида Тошкентда Туркистон мусулмонлари қурултойи ўтказилиб, Туркистон мусулмонлари шўроси миллий маркази сайланади. Унга минтақанинг ҳамма бўлакларидан вакиллар, жумладан, Маҳмудхўжа Беҳбудий, Убайдуллахўжа Асадуллахўжаев, Носирхон Тўра, Муҳаммад Тинишбоев, Ўроз Сардор ҳам киритилади.

1917 йилнинг 16-23 апрелида Тошкентда бўлиб ўтган Туркистон мусулмонларининг 150 вакили иштирок этган қурултойда Маҳмудхўжа Беҳбудий нутқ сўзлаб, миллатни ўзаро ихтилофлардан воз кечиш, буюк мақсад йўлида бирлашиш, иттифоқ бўлишга чақиради. “Ихтилофимиз сабабли мустамлакот қоидаси ила бизни идора этурлар”, деб очиқ айтади.

1917 йил ёзида Россия ўз муаммолари билан овора бўлиб турган даврда Маҳмудхўжа Беҳбудий Туркистон халқлари келажагини ўйлаб, “Биз истаймизки, бутун Русия мусулмонлари мухторият усули юзасидан тирикчилик қилсунлар... Туркистон мусулмонлари бундаги русий, яҳудий ва бошқалар қўшилган ҳолда... Туркистон ҳукумати таъсис этсак, ўзимизни мажлиси мушоваратимиз (парламентаризм) бўлсун”, деб янги таклифлар беради.

Бу таклифга биринчи бўлиб чоризмдан қолган “буржуачилар” эмас, “морозовчилар”, яъни бўлғуси большевиклар қарши чиқади. Улар Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг адолатли ёндашувларидан хато топа олмайди. Бироқ унинг таклифларини “шошқалоқларча” берилган, дея эътироз билдиради. Шунингдек, ўзларининг



ҳар жиҳатдан устунлигини кўрсатиб, “Мусулмонлар ўзларини бошқаришда ҳали руслардан кўп ўрганишлари керак. Думада ишбилармон, уддабурон, меҳнатсевар кишилар ўтирса, унда турли жамият ва сиёсий гуруҳ талабларини ёқлайдиган кишилар бўлса, шаҳарда ишлар яхши кетади. Бундай гуруҳлар русларда кўп бўлади, мусулмонларда эса бўлмайди... Фикримизча, агар мусулмонлар ва маҳаллий яҳудийлар сайловчиларнинг ярмини юбориб, иккинчи қисмини маҳаллий бўлмаганларга қўйиб берса, иш равнақи учун фойда ва ҳаққонийлик бузилмаган бўлади”, деб хулоса ясайди.

1917 йил октябрда ҳокимиятни тўлиқ эгаллаган большевиклар енг шимариб мустамлакачилик сиёсатини кучайтиришга киришади. Миллат ойдинлари янги ҳукуматдан мухторият талаб қила бошлайди. 1917 йил 26 ноябрь куни Қўқон шаҳрида ўлка мусулмонларининг фавқулодда IV қурултойи чақирилади ва Туркистон мухторияти ташкил этилгани эълон қилинади. Янги Туркистон асосчиларидан бири Маҳмудхўжа Беҳбудий бўлиб, миллат фидойисининг озодликка бўлган интилиши, уни интиқиб кутганини “Ҳуррият” газетасининг 1917 йил 22 декабрь сонидаги “Туркистон мухторияти” сарлавҳали мақоласидаги қуйидаги фикрларидан билиб олиш мумкин: “27 ноябрда Ҳўқандда Туркистон мухторияти Умумий мусулмон съездида эълон қилинди. Муборак ва хайрли бўлсун! Камина ҳам мажлисда бўлганим учун ифтихор этаман. Яшасун, Туркистон мухторияти! ...Шуни билмоқ керакки, бутун Туркистон халқи иттифоқ этса, қон тўкилмас. Ер ва амлок ҳам тақсим бўлмай қолур. Дин ҳам ривож топур. Минг карра доду бедодлик ихтилоф этмоқ учун иттифоқ этганмиз ва ихтилофимиз сабаби ила бадбахтликға дучор бўлурмиз. Бутун Туркистон иттифоқ этса, 15 миллионлик бир қувват уммонға келурки, шунга ер титрайдур. Агар сўзумни фаҳмлата олган бўлсам, ўзимни бахтли ҳисоблардим”.

Туркистондаги мустамлакаларидан маҳрум бўлишни истамаган большевиклар Мухториятга қарши чиқади ва 1918 йил февралда Қўқон шаҳри қонга ботирилади. Мустақил давлат тузишга ҳаракат қилган ҳукумат бор-йўғи 72 кун яшаган.

Маҳмудхўжа Беҳбудий Қўқондаги воқеалардан тушкунликка тушмаган, миллат манфаати йўлида хизмат қилишда давом этиб, сўнгги нафасигача озодлик учун курашган. У айрим юртдошлари сингари “қизил” босқинчилар сафига қўшилган эмас, балки 1917 йилдаёқ большевикларга қарши тузилган, яширин фаолият олиб борган “Иттиҳоди тараққий” жамиятига кирган. 1919 йилда Маҳмудхўжа Беҳбудий Фавқулодда комиссия айғоқчилари ёрдамида Шаҳрисабз беклигида қўлга олинади. Орадан тахминан икки ой ўтгач, Қаршига келтириб зиндонга ташланади. Бир неча кундан сўнг Қарши беги Тоғайбекнинг буйруғи билан ёрдамчиси Нуриддинхўжа Оғалиқ Аҳмадхўжа ўғли томонидан зиндон яқинидаги “подшолик чорбоғи”да ўлдирилади.

Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг қатл қилингани Самарқандда бир йилдан кейин маълум бўлади. Абдурауф Фитрат, Абдулҳамид Чўлпон, Садриддин Айний ва бошқа шоирлар алломага атаб марсиялар ёзган.

Кейинчалик Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг Самарқандда фаолият юритаётган шогирдлари, сафдош ва маслакдошлари унинг қабрини излаб топиш, қотилларни аниқлаш ҳаракатига тушади. Улар “Самарқанд комиссияси”ни тузиб, Қаршига келганида, бу пайтда ушр-солиқ назорати идорасининг бошлиғи бўлиб олган Нуриддин Оғалиқ уларнинг фаолиятига йўл қўймайди. Қарши шаҳридаги ҳукумат аъзолари эса унинг хоҳиш-иродасига қарши чиқолмаган.

Амирлик даврида юқори мансабда ишлаган Нуриддин Оғалиқ совет ҳукуматида ҳам ўз мавқеини сақлаб қолишининг сабаби большевиклар билан ҳамкорликда ўзбекнинг улуғи Маҳмудхўжа Беҳбудийни йўқ қилиб юборгани билан боғлиқлигини ҳеч ким инкор этолмайди, албатта. У “Самарқанд комиссияси” фаолиятига йўл қўймай, “ёпиқлиқ қозон ёпиғлигича қолади”, деб ўйлайди.

Аммо 1923 йилнинг кузида БХСР ҳукумати тафтиш комиссияси Қарши вилояти солиқ идораси фаолиятини текширувдан ўтказади. Комиссия Нуриддин Оғалиқ ҳамда унинг сафдошлари катта қонунбузарлик ва жиноятга қўл урганини аниқлайди. Чунончи, Нуриддин Оғалиқ ҳукуматнинг 42 минг пуд буғдойи ва 20 минг олтин қуймасини талон-тарож қилганликда, меҳнаткашларнинг бир-икки мингини ярим оч, ярим тўқ ҳолатда ўз ерларида ишлатганликда айбланади. Бундан ташқари, буюк мутафаккир Маҳмудхўжа Беҳбудий ҳаётига зомин бўлгани билан боғлиқ жинояти ҳам қўшилиб, суд Нуриддин Оғалиқни отишга қарор қилади.

Ҳукм 1923 йил 19 сентябрда Регистон майдонида 5000 аҳоли иштирокида амалга оширилади. “Бухоро ахбори” газетасида “Беҳбудий ва рафиқларининг ўлдирилишига сабаб бўлғон фуқаро ҳукуматнинг молиға хиёнат қилган мазкур Оғалиқ 19 сентябрда (1923 йил) одил ҳукуматимиз томонидан отилди, демак, Беҳбудий ва рафиқларининг ўчлари олинди”, деб хабар беради.

Бухоро ҳукумати Қарши вилояти ижроқўми раиси Жўра Зокирий ҳамда Қарши вилоят фирқўми Назаров зиммасига Маҳмудхўжа Беҳбудий қабрини қидириб топиб, унинг ҳайкалини ўрнатиш вазифасини юклайди. Лекин бу мутасадди шахслар ўзларига юкланган вазифани уддалай олмаган. “Озод Бухоро” газетасининг 1923 йил 19 октябрдаги сонида “Туркистоннинг машҳур жамоат ходимларидан Беҳбудийнинг исмини умрбод (абадий) қолдирмоқ учун Бухоро Республикаси қурултойи Қарши вилоятини Беҳбудий вилояти деб исмламакка қарор берди”, деб хабар беради.

Қарши вилояти 1937 йилга қадар Беҳбудий вилояти деб юритилиб, 1937 йили бошланган қатағонлар оқибатида вилоятдан аллома номи олиб ташланади. Ўзбекнинг барча зиёлилари сингари Маҳмудхўжа Беҳбудий ҳам миллат озодлиги ва тараққиёти учун курашгани учун советларнинг қора рўйхатидан ўрин олади.

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг, барча жадид боболаримиз сингари Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг ҳам муборак номи қайта тикланди. Тарихчи ва тилшунос олимлар томонидан унинг ижтимоий-сиёсий фаолияти ҳамда илмий меросини ўрганиш бошланди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев XX аср бошларида Туркистонда замонавий таълим тизимига асос солган, миллат озодлиги, халқ фаровонлиги учун курашган барча жадидларга, жумладан, Маҳмудхўжа Беҳбудийга эҳтиром билдириб, ёшларга ўрнак қилиб кўрсатиш ҳамда маънавий меросини чуқур ўрганиш бўйича адолатли ишлар қилмоқда. Чунончи, 2020 йил 24 январь куни Олий Мажлисга қилган Мурожаатномасида миллий етакчимиз **“...2020 йилда халқимиз тарихининг мураккаб дамларида маърифат машъаласини баланд кўтариб чиққан улуғ аллома ва жамоат арбоби Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг 145 йиллик таваллуд санаси кенг нишонланади. Умуман, биз жадидчилик ҳаракати, маърифатпарвар боболаримиз меросини чуқур ўрганишимиз керак. Бу маънавий хазинани қанча кўп ўргансак, бугунги кунда ҳам бизни ташвишга солаётган жуда кўп саволларга тўғри жавоб топамиз. Бу бебаҳо бойликни қанча фаол тарғиб этсак, халқимиз, айниқса, ёшларимиз бугунги тинч ва эркин ҳаётнинг қадрини англаб етади”,** дея таъкидлагани буюк алломанинг миллатимиз ва давлатимиз олдидаги тенгсиз хизматлари эътирофидир, албатта.

Давлатимиз раҳбари 2020 йил 30 сентябрь куни Ўқитувчи ва мураббийлар куни муносабати билан зиёлиларга мурожаатида эса жадидчилик ҳаракати ва унинг йирик намояндалари ҳақида тўхталиб, **“...мамлакатимизда Учинчи Ренессансни XX асрда маърифатпарвар жадид боболаримиз амалга оширишлари мумкин эди... Бу фидойи ва жонкуяр зотлар бутун умрларини миллий уйғониш ғоясига бағишлаб, ўлкани жаҳолат ва қолоқликдан олиб чиқиш, миллатимизни ғафлат ботқоғидан қутқариш учун бор куч ва имкониятларини сафарбар этдилар. Шу йўлда улар ўзларининг азиз жонларини ҳам қурбон қилдилар”** деди ҳамда уч жадид — Абдулла Авлоний, Маҳмудхўжа Беҳбудий ва Мунавварқори Абдурашидхоновни истиқлол, озодлик, эркинлик учун қилган фидокорлиги, миллий таълим ва тарбия тизимини яратишдаги ҳиссаси ўлароқ “Буюк хизматлари учун” ордени билан мукофотлаганини билдирди. Ўз давридаёқ “Туркистон жадидчилик ҳаракати отаси”, деб эътироф этилган Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг қилган хизматлари эътироф этилиб, давлатимиз раҳбари томонидан муносиб тақдирланди.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДУК

МУАССИС:
**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси**

Бош муҳаррир:
**Салим ДОНИЁРОВ**

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “KOLORPAK” МЧЖ масъул.

Девонхона: (0-371) 233-70-98 Котибият: (0-371) 233-56-60 Эълонлар: (0-371) 233-57-15 E-mail: info@yuz.uz

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
**Нашр индекси** — 236. **Буюртма** — 123
18715 нусхада босилди.
**Ҳажми** — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2.
Баҳоси келишилган нархда.

“KOLORPAK” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Ўзбекистон, 100060.
Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй.
Босмахона телефони: (78) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Беккул Эгамқулов
Мусаҳҳиҳ: Насиба Абдуллаева
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзилимиз:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

ЎзА якуни — 22:10 Топширилди — 22:40